БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 203 (17.187). ● 5 сентябрь 1978 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.

Янги халқаро экипаж ўзининг парвозини муваффақиятли тугаллаб, белгиланган районга оҳиста қўнди. Суратда: СССР космонавт учувчиси Валерий Биковский ва тадқиқотчи космонавт Зигмунд Йен.

ТАСС махсус фотомухбирлари А. Пушкарев ва А. Сенцов фотоси.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

ҚПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Мамлакатнинг чучук сув ҳавзаларида балиқчиликни янада ривожлантириш ва балиқ овлашни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Қарорда қайд этиладики, балиқнинг қимматли турларини кўриқлаш ва урчитиб кўпайтириш, саноат балиқчилигини тартибга солиш ва сув ҳавзаларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида кейинги йилларда кўлларда, дарёларда ва сув омборларида балиқ овлаш анча кўпайди. Ихтисослаштирилган ҳовуз ва кўлларда товар балиқ урчитиладиган корхоналарнинг қуввати оширилмоқда. Ана шу корхоналарда товар балиқ етиштириш сўнгги 10 йил мобайнида уч баравардан зиёд кўпайди.

Бироқ, маҳаллий сув ҳавзаларида балиқ овлаш ҳажми ҳали аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондириш имконини бермаяпти. СССР Балиқ хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, маҳаллий партия ва совет органлари чучук сув ҳавзалари — кўллар, дарёлар, сув омборлари, ҳовузлар, мелиоратив системалар ва иссиқлик электр станцияларини совитадиган ҳовузларнинг катта-катта резервларидан мамлакатнинг озиқ-овқат ресурсларини балиқ маҳсулоти билан тўлдириш учун фойдаланишни етарли даражада таъминламаяптилар.

Балиқ урчитиладиган янги корхоналар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш анча суст амалга оширилмоқда, иш сифати паст бўлмоқда, объектлар кўпинча нуқсонлари бўлгани ҳолда фойдаланиш учун қабул қилинмоқда.

Товар балиқ етиштирадиган янги қувватлар секин ўзлаштирилмоқда, баъзи ҳовузлар ва бошқа балиқ урчитиладиган иншоотлар паст техникавий хизмат кўрсатилганлиги сабабли қисқа вақт ичида яроқсиз бўлиб қолмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш воситалари кам ишлаб чиқарилмоқда, балиқчиликда меҳнатни механизациялаштириш даражаси секин ошмоқда.

Юқори сифатли балиқ уруғини зарур миқдорда етиштириш иши суст олиб борилмоқда. Донадор омихта ем миқдори ва сифати балиқ урчитишнинг талабларини қондирмаяпти.

Айрим районларда балиқ запасларини кўриқлаш қоникарсиз ташкил қилинган, браконьерлик, сув манбаларида ва тозаланмаган оқар сувларни сув ҳавзаларига оқизишдан балиқларнинг нобуд бўлиш ҳолларининг рўй бериши давом этмоқда.

Мамлакатнинг чучук сув ҳавзаларида балиқчиликни ва балиқ овлашни янада ривожлантириш мақсадларида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Балиқ хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига 1985 йилга бориб 1977 йилдагига нисбатан чучук сув ҳавзаларида балиқ овлашни икки баравар кўпайтириб, жами балиқ овлашни 924 минг тоннага, шу жумладан ҳовузларда ва кўл хўжаликларида етиштирилган балиқ овлашни 504 минг тоннага етказиш мажбуриятини юклади. Ҳовуз ва кўлларнинг балиқ маҳсулдорлиги ўрта ҳисобда 1,8 баравар, мавжуд товар кўл корхоналарининг балиқ маҳсулдорлиги эса икки баравар оширилсин.

Ана шу вазифаларни бажариш учун барча ҳовуз ва кўл корхоналарини техника билан қайта қуроллантиришни амалга ошириш, 150 минг гектар ҳовуз ва кўл майдонларини қуриш ва реконструкция қилиш, 600 минг гектар кўл хўжалигини фойдаланишга топшириш кўзда тутилади. Балиқ урчитиш—мелиорация ишларини ўтказиш йўли билан Ладога, Чуд, Онега, Ильмен, Севан, Чана, Убинск, Байкал, Балхаш, Ханка, Сартлан кўлларида балиқ овлаш анча кўпайтирилсин.

Балиқ урчитиш корхоналарини донадор омихта ем билан таъминлашни яхшилаш ва чавақлар учун дастлабки озуқани етарли миқдорда ишлаб чиқаришни ташкил этиш белгиланди.

Қарорда балиқ урчитиш ва балиқчилик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни кучайтириш, 1979-1982 йилларда мамлакатнинг ички сув ҳавзаларида балиқ запасларидан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, Шимоли-Шарқда, Сибирда ва Узоқ Шарқда катта кўллар ва сув омборларининг балиқ маҳсулдорлигини ошириш, саноат балиқчилигини интенсивлаш тадбирларини амалда ошириш кўзда тутилади. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги системасидаги колхоз ва совхозларда балиқ урчитиш соҳасида тегишли тадқиқот ишларини ўтказиш учун Бутуниттифоқ ирригация балиқ урчитиш илмий-тадқиқот институтини ташкил қилиш кўзда тутилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети балиқ етиштириш, дарёларда, кўлларда, сув омборларида балиқ овлаш соҳасида оғир ва сермеҳнат ишларни механизациялаштириш ва автоматлаштиришга катта аҳамият бериб, балиқ урчитиш учун машиналар ҳамда асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, бутун йил давомида балиқ етиштирадиган қурилмалар, машиналар ва линияларни кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этишни белгиладилар.

Қарорда табиий муҳитни муҳофаза қилиш, кичик дарёлар ва бошқа сув ҳавзаларининг сувини кўпайтириш, сув ва биологик ресурсларни қўриқлаш, шунингдек тўғонлар қуриш ва шу билан бирга барпо этилаётган сув омборларида балиқ урчитиш юзасидан тадбирлар комплексини амалга ошириш таклиф қилинди.

Ҳунар-техника билим юртларининг шоҳобчаларини кенгайтириш йўли билан ички сув ҳавзаларида балиқ хўжалиги корхоналари учун ишчилар тайёрлаш, шунингдек ишлаб чиқаришда уларнинг доимий қолишини таъминлаш тадбирлари кўзда тутилди.

Барча иттифоқдош республикаларда «Республикада хизмат кўрсатган балиқчи» фахрий унвонини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига маҳаллий сув ҳавзаларидан яхшироқ фойдаланиш, урчитиб балиқ кўпайтириш ва балиқ овлаш юзасидан белгиланган план топшириқларини сўзсиз тўла ва ошириб бажариш учун, ҳовуз ва кўл хўжаликларининг қувватларини тўла ўзлаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш учун корхоналар ҳамда ташкилотлар раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириш, маҳаллий сув ҳавзаларининг балиқ маҳсулдорлигини ошириш ва овлашни кўпайтириш юзасидан корхоналарда, хўжаликларда, бригадаларда ва звеноларда социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан ташкилотчилик иши савиясини кўтариш таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети балиқ саноати ва қишлоқ хўжалиги ишчилари, балиқчилари, балиқ урчитувчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари товар балиқчилиги самарадорлигини ошириш, чучук сув ҳавзаларининг балиқ маҳсулдорлигини ва уларда балиқ овлашни кўпайтирадилар, шу тариқа мамлакат аҳолисига кўпроқ балиқ маҳсулоти етказиб берадилар, деб ишонч билдирдилар.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Қ. СОЛИЕВни ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИНИ ИЖРО ЭТИШГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:** ўртоқ Қозоқжон СОЛИЕВ Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасини ижро этишга қўйилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил 4 сентябрь. Тошкент шаҳри.

КОСМОНАВТЛАР БИКОВСКИЙ ВА ЙЕН ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИЛАР

«ИНТЕРКОСМОС» ПРОГРАММАСИГА МУВОФИҚ БОШҚАРИЛАДИГАН ЯНГИ ХАЛҚАРО УЧИШ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

ТАСС ахбороти

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учувчиси Валерий Федорович Биковский билан тадқиқотчи космонавт, Германия Демократик Республикасининг граждани Зигмунд Йендан иборат халқаро экипаж «Салют-6» — «Союз-29» — «Союз-31» орбитал илмий-тадқиқот комплексида биргаликда ўтказилган ишлар программасини муваффақиятли тамомлаб бўлгач, 1978 йил 3 сентябрь куни Ерга қайтиб тушди. Космонавтлар Коваленок ва Иванченков ўртоқлар орбитал-комплекс ичидаги ишни давом эттирмоқдалар.

«Союз-29» космик кемасининг туширилувчи аппарати Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган районига Жезқазған шаҳридан 140 километр шарқи-жанубга оҳиста қўнди. Биковский ва Йен ўртоқлар ерга қўнгандан кейин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Халқаро экипаж «Салют-6» — «Союз-29» — «Союз-31» орбитал комплекси ичида бирга ишлаш вақтида Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикасининг олимлари ва мутахассислари тайёрлаган илмий-техникавий ва медицина-биологик тадқиқотларнинг кўзда тутилган жами ҳажмини бажарди. Жумладан, космонавтлар Коваленок, Иванченков, Биковский ва Йен табиий ресурсларни ва атроф муҳитни ўрганиш мақсадида Ер юзасининг ва дунё океани акваториясининг айрим районларини фотосуратга олдилар.

Космик учиш шароитида вазнсизликнинг янги металл ва нометалл материаллар ҳосил бўлишига таъсирини ўрганиш мақсадида технологик экспериментлар бажарилди. Ер атмосферасидаги физик жараёнларнинг содир бўлиш характери тўғрисида янги маълумотлар олинди. Инсон организмига ва биологик объектлар ривожига космик учиш омилларининг таъсирини янада пухтароқ ўрганиш мақсадида бир қанча медицина-биологик тадқиқотлар ўтказилди.

Сал кам бир йилдан бери орбита бўйлаб учиб юрган «Салют-6» илмий станцияси ичида «Интеркосмос» яхлит программаси доирасида Чехословакия Социалистик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ва Германия Демократик Республикаси космонавтлари иштирокида учта халқаро экспедиция муваффақиятли ишлади.

Совет ва халқаро экипажларнинг «Союз» космик кемаларидаги ва «Салют-6» илмий станциясидаги учишлари совет космик техникасининг сифати юксак эканини кўрсатди.

Совет Иттифоқида олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг фидокорона меҳнати билан вужудга келтирилган замонавий космик кемалар ва орбитал станциялар, учиришни таъминлашнинг ва парвозни бошқаришнинг ердаги воситалари, шунингдек қардош социалистик мамлакатларнинг илмий ва илмий-техникавий экспериментларни ҳамда тадқиқот ишларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашга қўшган ҳиссаси социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари амалга ошираётган космик фазони тинч мақсадларда ўрганиш ва ўзлаштириш программасининг дадил, планли бажарилишини таъминлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси

Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси

Алексей Николаевич КОСИГИНга

Азиз ўртоқлар!

СССР билан ГДРнинг биргаликда бошқариладиган космик эксперименти муваффақиятли тугалланганлиги муносабати билан Сизларга, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Президиумига, Совет ҳукуматига ва совет халқига Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети, Германия Демократик Республикасининг Давлат кенгаши, Министрлар Совети ва Германия Демократик Республикасининг бутун халқи номидан қардошлик саломи ва энг самимий табриклар йўллаймиз.

Мамлакатимиз граждани қўшма экипажнинг учишини ва «Салют-6» — «Союз-29» — «Союз-31» орбитал комплексининг ишини завқ-шавқ ва ифтихор туйғуси билан кузатиб турдилар, унда биринчи немис, Германия Демократик Республикасининг космонавти ўзининг совет ўртоқлари билан бирга космосга чиққан эди. Космонавтлар экипажи топшириқни жуда яхши бажариб, омон-эсон қайтиб тушганлиги республиканинг ҳамма жойида зўр хурсандчилик билан кутиб олинди.

Инсоният тинчлиги ва бахт-саодати йўлида космик фазони ўзлаштириш ишида илғорлик ролини ўйнаётган Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатларга, шу жумладан Германия Демократик Республикасига ана шу буюк ва олижаноб вазифани амалга оширишда қатнашиш имконини берди. Космик учишлар совет программасининг муваффақиятли бажарилиши ва «Интеркосмос» программаси доирасида космик фазони тадқиқ этишда социалистик ҳамдўстлик давлатларининг иштироки Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ғоят катта, юксак даражада ривожланган иқтисодий ва илмий потенциалидан ҳамда қардош социалистик давлатларнинг кучидан бутун дунё олдида далолат бериб турибди. Улар социалистик интернационализм негизидаги қардошларча ҳамкорликнинг жуда катта имкониятларини яна порлоқ равишда намойиш этмоқдалар.

СССР билан ГДРнинг ана шу қўшма бошқариладиган космик эксперименти биринчи социалистик немис давлати яшаб келаётган куннинг 30 йиллиги арафасида амалга оширилди. У социализмнинг кучини ҳамда партияларимиз, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги иттифоқнинг бузилмаслигини яққол кўрсатиб турибди. Бу тарихий воқеа Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1975 йил 7 октябрь шартномаси асосидаги ҳамкорлигимизнинг янги имкониятлари ифодасидир.

Азиз Леонид Ильич Сизга, азиз Алексей Николаевич Сизга, ана шу космик учишни амалга оширишда қатнашган барча космонавтлар, олимлар, инженерлар ва ишчиларга, бутун совет халқига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съезди қарорларини амалга оширишда, тинчлик ва коммунизм қуриш учун курашда чин кўнгилдан янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Коммунистик салом билан

Эрих ХОНЕККЕР,
Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари,
Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси

ВИЛЛИ ШТОФ,
Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси

«САЛЮТ-6»—«СОЮЗ-31»:

ДАМ ОЛИШ КУНИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 4 сентябрь. (ТАСС) Космонавтлар Владимир Коваленок ва Александр Иванченков «Салют-6» — «Союз»-31» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида учишни давом эттирмоқдалар.

Бугун экипажнинг актив дам олиш куни.

Космонавтлар эрталабки процедуралар ва нонуштадан кейин станция системалари ва агрегатларини контрол текширишдан ўтказадилар, борт техникавий ҳужжатлари билан иш олиб борадилар, дам оладилар. Ердан экипаж ўчун радиоэшиттиришлар, музика берилади.

Владимир Коваленок билан Александр Иванченков шу кун давомида ер юзи ва жаҳон океани акваторияларининг айрим районларини кўз билан кузатадилар ва фотосуратга оладилар, биологик экспериментлар программаси асосида штатли операцияларни бажарадилар, комплекс тренажёрда ва велоэргометрда жисмоний машқлар билан шуғулланадилар.

Экипажнинг докладларига ва телеметрик ахборот маълумотларига кўра станция ва кеманинг борт системалари нормал ишлаб турибди. «Салют-6» — «Союз-31» орбитал комплексининг хоналаридаги микроиқлим параметрлари қуйидагича: температура Цельсий бўйича 20 градус, босим симоб устунининг 790 миллиметрига тенг.

Владимир Коваленок билан Александр Иванченков ўзларининг яхши ҳис этмоқдалар.

---

550 МИНГ ТОННА ҚАШҚАДАРЁ ПАХТАСИ УЧУН

ҚАРШИ, 4 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Қашқадарё область партия ташкилотининг пахта терими кампаниясини муваффақиятли ўтказиш ва ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилинди.

Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғойибов ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар область партия ташкилотлари ташкилотчилик иши савиясининг ўсганлиги, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ижодий ғайрати ва фидокорона меҳнати, КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладида баён этилган қоидалар ва хулосаларни муваффақиятли амалга ошириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақанинг кенг авж олдирилганлиги пахтачиликни, область қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб бераётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Деҳқонлар бу йилги оғир иқлим шароитларида мўл «оқ олтин» ҳосилини етиштирдилар. Ҳозирги асосий вазифа — ана шу ҳосилни қисқа муддатларда ва сира нобуд қилмай йиғиб-териб олишдан иборатдир.

Коллективларни мўл пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва тайёрлашга сафарбар этиш юзасидан ҳамма жойда оммавий-сиёсий ишлар кучайтириб юборилди. Қашқадарё областининг пахтакорлари бу йил Ватанга 550 минг тонна — ўтган йилдагидан 95 минг тонна кўп «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилдилар. Биринчи марта ҳосилнинг 75 процентини машиналарда териб олиш белгиланди. Шу боисдан, деб таъкидлашди йиғилиш қатнашчилари, терим-транспорт комплексларининг ишини ипатоволик механизаторлар методи асосида ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш зарур. Механизациялашган 370 та отряд йиғим-теримда асосий зарбдор куч бўлади. Бу эса давлатга пахта сотиш планини 15 октябргача, социалистик мажбуриятларни эса 20 октябргача бажариш имконини беради. Ҳозир ҳамма жойда дефолиацияни ўз вақтида ўтказиш, «дала — бункер — тележка — тайёрлаш пункти» йиғим-терим конвейерининг аниқ-пухта ва батартиб ишлашини таъминлаш, бунда терим сифатига алоҳида эътибор бериш зарур.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

КОСМОНАВТЛАР ЕРДА

ЖЕЗҚАЗҒАН, 3 сентябрь. (ТАСС мухбирлари Н. Железнов ва А. Тишлер). Космик орбитага кўтарилган учинчи халқаро экспедиция бугун «Союз-29» кемасининг Қозоғистон даштига оҳиста қўниши билан муваффақиятли якунланди.

Жезқазған аэропортининг диспетчерлик хонасига жойлашган қидирув группаси штабида эрталабдан бошлаб ҳамма гаплар куннинг асосий воқеаси — қўниш тўғрисида бормоқда. «Экипажни ерга қайтишга тайёрлаш ишлари графикка қатъий риоя қилган ҳолда олиб борилмоқда», —дейди қўниш жойига етиб келган икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Леонов.

Учишни бошқариш маркази билан алоқа боғлаб турилибди. Орбитада содир бўлаётган воқеалар тўғрисидаги ахборот ўша ердан келиб турибди. Тормоз двигателини ерга мўлжал олдириш, кема бўлмаларининг бир-биридан ажралиши, атмосферанинг зич қатламларига кириш аниқ-пухта ўтди.

Лекин биз бу тўғрида вертолётда кета туриб билиб олдик. Совет журналистлари ГДРдан келган ҳамкасблари билан бирга ш.у вертолётда қўниш жойига учиб кетаётган эдилар. Йўлда бир оз тўхтаб ўтилди. Қидирувчи вертолётларнинг командирлари қўниш жойи координатларини аниқлаб олмоқ учун ана шундай тўхтаб ўтишади. Қаттиқ қарсиллаш овозидан осмон ларзага келади. Бу — планета юзига 10 километр қолганда очилган асосий парашютнинг овози эди.

Яна вертолётларга чиқамиз! Баландга кўтарилиб жуда катта зарғалдоқ гумбаз кетидан қуваётгандек учяпмиз. Алангадан қорайиб кетган туширилувчи аппарат ана шу гумбаз тагида оҳиста тебранмоқда. Ишга туширилган оҳиста қўндириш двигателлари даштнинг пушти ранг чангини осмонга кўтаради.

Орадан икки минут ўтар-ўтмас биз кема ёнига етиб келдик. Унинг ҳали иссиқ уриб турган ва жуда қорайиб кетган ёнларини ҳурмат ва завқ-шавқ билан пайпаслаб қўйдик Кема командири икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник В. Ф. Биковский билан тадқиқотчи космонавт, ГДР граждани подполковник З. Йен туйнукдан ўзлари чиқишди. Оғир йўлдан кейин нафасларини ростлаб олиш учун бир икки дақиқа ўтиришгандан кейин ўринларидан туриб ер билан учрашув хотираси учун кемага бўр билан ўзларининг дастхатларини ёзиб қўйдилар. Зигмунд Йен самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик белгиси сифатида кема немисча икки сўзни: «Херцлик данк!» «сидқидилдан раҳмат!» сўзларини ёзиб қўйди.

Митинг қатнашчилари космонавтларни нон-туз, гуллар билан, СССР ва ГДРнинг шамолда хилпираб турган байроқлари билан кутиб олдилар. Митинг область марказининг аэропортида бўлиб ўтди.

Қозоғистон Компартияси Жезқазған область комитетининг биринчи секретари К. Лосев космик экспедиция қаҳрамонларига мурожаат қилиб, қуйидагиларни айтди:

— Сизларнинг учишингиз — интернационализмнинг тантанаси, социалистик интеграциянинг сифат жиҳатидан янги босқичидир. Учиш программасининг бажарилганлиги Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси олимлари, инженерлари, техниклари биргаликда олиб борган изланишларнинг ажойиб натижасидир.

Область ва шаҳар ташкилотларининг раҳбарлари, кончилар, ёшларнинг вакиллари космик кема экипажини самимий табрикладилар. Шаҳар ижроия комитетининг раиси Ю. Чуйков космос қаҳрамонларига Жезқазған шаҳри фахрий гражданларининг дипломлари билан қирмизи ленталарни топширди.

В. Ф. Биковский қизғин кутиб олганлари учун жезқазғанликларга миннатдорчилик билдирди.

Мен ГДРнинг муносиб намояндаси Зигмунд Йен билан космосда бўлганлигимдан хурсандман, деди у. Ҳаммамиз аҳиллик билан ишладик. У ерда, «Салют-6» космик станциясида мураккаб программани тўртовлон бир оиладек бажардик.

Зигмунд Йен микрофон олдига келади:

— Биз Валерий билан ерга қайтиб тушганлигимизга ишонгим келмаяпти. Биз ҳали ҳам фикран орбитада ишлашни давом эттираётган Володя ва Саша билан биргамиз. Улар ҳам программа тугаллангандан кейин сизларнинг ҳузурингизда, мехмондўст Жезқазған диёрида ерга қўнишларини тилайман.

Митингдан кейин экипаж тушган самолёт Бойқўнғир космодроми томон йўл олди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

АНДИЖОН [«Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали олинди]. Ленин районидаги Энгельс номли колхозининг Абдуқаҳҳор Холдоров бошчилигидаги дашт бригадаси пахтакорлари 43 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, йиллик пахта тайёрлаш планини Андижон областида биринчи бўлиб бажарди, пахтанинг ҳаммаси юқори сортга қабул қилинди. Бригада далаларида ҳали ҳосил кўп. Миришкор деҳқонлар гектаридан яна 20 центнердан дурдона териб олиш учун мусобақани кучайтирмоқдалар.

Райондаги «Правда Востока» колхозининг Икромжон Қосимов бошлиқ пахтачилик бригадаси аъзолари ҳам маррага биринчилардан бўлиб етиб келдилар. Улар 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан хирмон кўтардилар, яна 20 центнерлик маррани нишонга олиб, теримни жадал давом эттирмоқдалар Шу колхознинг Фозилжон Фармонов бошлиқ бригадаси пахтакорлари ҳар гектар ердан 20 центнердан пахта териб олиб, ғалаба рапортига имзо чекдилар. Бу бригадада ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун кураш қизитилмоқда.

Райондаги пахтачилик хўжаликларининг кўпчилигида терим бошлаб юборилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика экономикасини ривожлантиришда актив иштирок этганлиги, давлат банки муассасаларида кўп йил, бенуқсон ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан давлат банки Сурхондарё область конторасининг бошқарувчиси Карим Музаффарович АҲМЕДЖОНОВга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берди.

Халқ контроли Саҳифаси

ОШКОРАЛИК ҚЎРИҒИ

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари совхозимизда меҳнат кўтаринкилигини янада ошириб юборди. Ҳосил чўғи кўзга ташланиб қолди. Пахталар биринкетин пишиб етилмоқда. Шунинг учун бўлим, бригада ва звеноларда ғўза парвариши пахта йиғим-теримига боғлаб олиб борилаётир. Хўжалигимиз бу йил давлатга 3 минг тонна пахта, 2765 тонна дон ва бошқа қўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериши керак. Бу — масъулиятли ҳамда шарафли вазифани бажаришда кўпсонли халқ назоратчиларимиз совхоз маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Яқинда халқ контроли группаси ва постларийнг йиғилиши ўтказилиб ҳозирги кунгача қилинган ишлар таҳлил этилди, ердан, техникадан, ўғитдан фойдаланишда тартиб ўрнатилди. Ёнилғи, мойлаш материалларини тежаб-тергаб ишлатиш йўлга қўйилди. Жумладан салкам 5 минг сўмлик нефть маҳсулотлари, 20 тонна металл, 3,5 минг киловатт соат электр энергия тежалди.

Эндиликда бешта группа, ўнга яқин пост атрофига уюшган 120 дан ортиқ халқ назоратчиларининг диққат-эътибори пахта йиғим-теримини, айниқса машина теримини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган. Актив назоратчи Х. Усмонов бошлиқ пост аъзолари совхоз ремонт устахонасида намунали иш олиб бормоқдалар. Улар яқинда 22 та терим машинаси, 48 та тележка, барча кўрак чувиш ва юлиш механизмлари ремонтининг сифатини текшириб чиқдилар.

Пахта йиғим-терими хўжалигимиз халқ назоратчилари учун катта синов бўлади. Ипатовликларнинг тажрибаси асосида ишлайдиган ҳар бир терим транспорти отрядида халқ контроли группасининг 2-3 аъзоси иш олиб боради. Улар цех халқ контроли группалари ёки бригада назорат постлари билан биргаликда меҳнатни тўғри ташкил этиш, пахта нобудгарчилигига қарши кураш ва пахтанинг пайхон этилишига йўл қўймаслик чораларини кўрадилар. А. Темиров, Д. Акбархўжаев, С. Нормирзаев каби энг яхши назоратчиларимиз бу ишларга масъул қилиб биркитилди. Улар назорат ишининг тўғри йўлга қўйилишини таъминлайдилар.

Назоратчиларимиз томонидан ўтказилган текширишлар, рейдлар махсус стендлар, сатирик варақалар, фотоайбномалар ва назорат иши ошкоралигини таъминловчи бошқа воситалар ёрдамида кенг пропаганда қилинади. Айрим группа ва постлар, алоҳида ўрнак кўрсатган назоратчиларнинг ибратли тажрибалари оммалаштириб борилади. Энг муҳими, рейд ва текшириш натижалари бошланғич партия ташкилоти бюросида муҳокамага қўйилади. Вазифа — зардбор меҳнат йилида мамлакатга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ва сифатлироқ пахта етказиб беришни таъминлашдан иборат.

Е. ЮСУПОВ,
Наманган область Уйчи районидаги «Гулистон» совхози халқ контроли группасининг раиси.

⊙ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

⊙ ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

⊙ ПЛАН ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ НАЗОРАТЧИЛАР ДИҚҚАТ-МАРКАЗИДА

⊙ КАМЧИЛИКЛАРГА МУРОСАСИЗ БЎЛАЙЛИК

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

ФАРҒОНА

Район халқ контроли комитети колхоз-совхозларда етиштирилган ҳўл меванн нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва уни давлатга топшириш планларининг бажарилиш аҳволини текширди. Районда бу йил давлатга 4073 тонна ҳўл мева сотиш планлаштирилган бўлса, ўтган етти ой ичида 2230 тонна, ёки 57 процент миқдорида ҳўл мева сотилган, холос. Райондаги Навоий номли, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли колхозларда, «Фарғона» совхозининг «СССР 50 йиллиги» бўлимида етиштирилган мева ҳосилини вақтида узиш, териш, давлатга топшириш ишлари қониқарли эмас.

Ҳўл мева етиштириш бўйича давлат планларини бажаришга етарли эътибор бермаётгани, тўкилган меваларнинг нест-нобуд бўлишига йўл қўяётгани учун Навоий номли, Ҳамза Ҳакимзода номли колхозлар мевачилик бригадалари бошлиги С. Мўминов ва Т. Тешабоев ўртоқларга виговор берилди. «Фарғона» совхозининг «СССР 50 йиллиги» бўлими бошлиги Ш. Ҳамроалиев қаттиқ огоҳлантирилди.

ШОВОТ

Район колхозларида меҳнатни ташкил қилиш, ҳақ тўлаш ва ишлаб чиқариш-молия планида белгиланган штатлардан фойдаланиш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйиляпти. «Ленинград» колхози бухгалтериясида кассапул муомалаларини юргазиш қоидалари қўпол равишда бузилган.

Район халқ контроли комитети колхоз ишлаб чиқариш-молия планида кўрсатилмаган штатлардан фойдаланиб, хўжаликка иқтисодий зарар келтиргани ва касса-пул муомалаларини бузганлари учун «Ленинград» колхози раиси А. Абдуллаев ва колхоз бош бухгалтери И. Бобожонов ўртоқлар тегишинча жазоландилар.

ИЛЬИЧ

Назоратчилар район саноат корхоналарида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаб ишлатиш бўйича давлат топшириқларининг бажарилиш якунларини кўриб чиқдилар. Текширишда шу нарса аниқландики. Волков номли ва Ильич номли пахта тозалаш заводларида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаб ишлатиш бўйича давлат план-топшириқлари бажарилмай қолмоқда. Корхоналар маъмурияти партия-ҳукуматимизнинг тежамкорлик режимини кучайтириш тўғрисидаги қўрсатмалари ижросига етарли эътибор бермаётир. Шунингдек, газ қувурлари ва ускуналарининг техникавий ҳолатини яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгиламаяпти.

Район халқ контроли комитети бу соҳадаги эътиборсизлик ва масъулиятсизлик учун Ильич номли ва Волков номли совхозларнинг директорлари К. Усенов ва А. Ҳамроқулов ўртоқларга виговор эълон қилди.

ЯНГИҚЎРҒОН

Район халқ контроли комитети «Заркент» боғ-узумчилик совхозида 1978 йил учун олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказди.

Маълум бўлишича, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан хўжалик давлатга 281 тонна кам мева сотган. Совхознинг учинчи бўлимида яиги экилган мевали кўчатларни парвариш қилиш талаб даражасида эмас. Узумзорларнинг ичи ҳайдалмаган, хомтоклар сифатсиз ўтказилган. 1-, 4-бўлимларда меваворларни ёввойи ўтлар босиб ётибди. Минерал ўғит ва сув ресурсларидан фойдаланиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Совхоз маъмуриятига қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришни яхшилаш, сув, техника ва ишчи кучларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

НАЗОРАТ ПОЧТАСИДАН

ХУЛОСА ЧИҚАРИШМАГАН ЭКАН

КОМИТЕТГА ХАТ КЕЛДИ

«...«Саёҳат» туризм комплекси ресторани ходимлари бизни ранжитишди. Олти шиша пиво пулидан 1 сўм 18 тийин, лағмон пулидан 6 тийин уриб қолиб, устига устак дағаллик ҳам қилишди...».

Хат мазмуни шундай эди. Кўп ўтмай Тошкент шаҳар халқ контроли комитети хат юзасидан текшириш ўтказди.

Текширишда фактлар тасдиқланди. Хўрандалар ҳақидан уриб қолинаётган пулнинг тўрт ойлиги 40 сўмни ташкил этди. Тайёрланаётган лағмон калорияси 13 процент кам эканлиги аниқланди. Планни тезроқ бажариш учун 6380 килограмм иккинчи категорияли ярим фабрикат парранда маҳсулотлари магазинлар орқали сотиб юборилган. Шунингдек, бошқа таомларнинг ҳам калорияси мўлжалдагидан анча камлиги, ресторанга ажратилган фондлардан ёмон фойдаланилаётганлиги, хўрандаларга таомлар нормадан кам сузиб берилаётганлиги, ресторан хизматчиларининг қўполлиги, пировардида, совет савдоси қоидаларининг жиддий бузилаётганлиги маълум бўлди.

Шу ўринда бенхтиёр ёдимизга яна бир воқеа тушди: «Муштум» журналида ўтган йили «Хилватдаги ёр» сарлавҳали танқидий мақола босилган эди. Унда ҳам «Саёҳат» туризм комплексида хўрандалар ҳақига хиёнат қилинаётганлиги ва ресторанга ажратилган думба ёғлар Ғазалкентдаги кичик бир кафеда хуфёна сотилгани ҳақида ачиниб ёзилган эди.

Савол туғилади: ресторан учун ажратилган думба ёғни хилватда сотишга жазм қилиб, давлатни ҳам, истеъмолчиларни ҳам алдашга уринган бу юлғичлар ўша танқиддан етарли хулоса чиқариб олмаган эканлар-да?!

Энди-чи? Энди нима бўлади? Улар бу гал халқ назоратчилари қўлига тушишди. Назоратчилар эса мурosa қилиб ўтиришмади.

Шаҳар халқ контроли комитети комплекс директори вазифасини бажарувчи Ўртоқ Хахинга йўл қўйилган жиддий нуқсонларни тугатиш вазифасини топширди, совет савдоси қоидаларини ва давлат чакана нархини қўпол тарзда бузгани учун директор ўринбосари А. Содиқовга виговор берди.

В. ШТАПОВ,
Республика халқ контроли комитети инспектори.

ТОЗА БЎЛГАЙ ВИЖДОНИ

«Халқ назоратчилари Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм областлари савдо тармоқлари фаолиятини тафтиш қилиб, қатор магазинларда айрим тур газламалар, электр асбоблари, чинни идишлар сингари уй-рўзғор учун энг керакли кундалик оддий товарлар (савдо базалари ва омборларда мавжуд бўлишига қарамасдан) ҳануз «камёб» бўлиб келаётганлигини аниқладилар. Чунончи, биргина Бухоро шаҳридаги 21, 5, 65, 16, 32, 55-магазинларда ва 6-павильоннинг 25-филиалида текшириш ўтказилганда истеъмолдаги кўплаб газламалар, кир ювиш порошоклари, электр товарлари ва турли хил импорт маҳсулотлар бекитиб қўйилганлиги маълум бўлди. Пировардида, бор нарсани «йўқ» деб, уларни сунъий равишда «камёб»га чиқарган савдо ходимлари қаттиқ жазоландилар».

(Назоратчилар хатидан)

Аёл сўрар магазинчи йигитдан:
Уғлим, топиб берсангиз сатин, читдан!
Мудир гўё «ҳамдард» бўладн унга:
— Сатин камёб негадир кундан кунга.
Чопиб борар ярмаркага харидор:
— Лампочкадан топилармн, биродар!
Муртли йигит жавоб қилар шошилиб:
Йўқ-да! Бўлса қўярмидик яшириб.
Уй бекаси сўраб кўрар пинҳона:
— Ҳой, айланай, борми, чойнак, пиёла!
Сотувчи қиз пинак бузмай сўзлайди:
— Чинни камёб, қани бисёр бўлсайди...
...Аслида-чи, айни шу дам омборда,
Тўп-тўп сатин ётган бўлар хилватда.
Лампочка ҳам бекитилган мўлу кўл,
Чинни идиш юрган бўлар қўлма-қўл.
...Суриштирар ҳайрон бўлган ўспирин:
— Биз буларни сақлаяпмиз ким учун!
Хўмрайди «устоз» шу тоб:
— Эҳ, содда!
«Узимизнинг кишилар»га!
Тут ёдда!..
«Шогирд» бундан ўқиб олар шундай ҳол:
Эшмат келса дейди: «Ана, танлаб ол!»
Тошмат учун қаҳат эмас камёб мол.
Таниишларга ҳамма нарса бемалол...

* * *

«Ажаб савдо! Ажаб сабоқ! Хулоса:
Назоратчи, қилма асло мурosa!
Текшириб тур касса, кисса, туйнукни,
Қўли эгри, нафслари «буюк»ни...
Бураб қўйгил халқ номидан — очсин кўз,
Жон ачитиб гапиради ҳалол дўст...
Ўгри, каззоб, ғаддор олсин жазони —
То уларнинг тоза бўлгай виждони!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

ШТАТСИЗ ХОДИМЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети штатсиз ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда республика Халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ И. Обидин «Штатсиз инспекторларнинг ишлари якунлари ва уларнинг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан штатсиз инспекторлардан — «Главпассавтотранс»нинг 2-автокорхонаси директори Ф. Парпихўжаев, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти трикотаж ишлаб чиқариш кафедрасининг доценти Н. Урозов, пенсионерлардан Г. Нечаев, М. Горбонос, 7-болалар тиш касалликлари поликлиникасининг бўлим мудири Р. Петров ва бошқалар назорат ишлари методларини янада такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар билдирдилар.

ҲАЛҚ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИГА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИ

НАЗОРАТГА ҒАМХЎРЛИК

Мамлакатимизда халқ контроли органларининг мукаммал системаси мавжуд бўлиб, унинг ёрдами билан кенг омманинг доимий ва таъсирчан назоратини ўрнатиш тўғрисидаги ленинча ғоялар турмушга изчил татбиқ қилинаётир.

Қувa район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари партия XXV съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг қимматли хулосалари ва кўрсатмалари асосида КПСС Марказий Комитетининг «Халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисида»ги қарорига амал қилиб халқ контроли органлари фаолиятига катта эътибор бермоқдалар. Хўжалик план-топшириқларининг бажарилишида, маданий қурилишнинг амалга оширилишида, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашда, кенг оммани ижтимоий фойдали меҳнатга сафарбар этишда уларнинг фаол иштироки таъминланяпти. Назоратчилар кўтарган ҳар бир ташаббус ва таклифлар қўллаб-қувватланаётир. Системанинг асоси — группа ва постларга партиявий раҳбарлик методларини такомиллаштириш партия ташкилотлари диққат марказида турибди.

Сўнгги бир ярим йил ичида халқ контроли органлари фаолиятини яхшилашга қаратилган қатор масалалар райком бюросида ўн марта, партия комитетлари мажлислари ва бошланғич партия ташкилотлари бюро йиғилишларида 39 марта, коммунистларнинг умумий йиғилишларида 42 марта муҳокама қилинди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари халқ контроли органларида ишловчи кадрларни танлаш ва тарбиялашга, уларни хўжаликнинг муҳим участкаларига тўғри жойлаштиришга, комитет, группа ва постларга сайлаб қўйилган коммунистлар ва комсомолларнинг авангардлигини таъминлашга алоҳида эътибор беряптилар. Ҳозир районда ўз сафларига 2312 нафар халқ назоратчиларини бирлаштирган 134 группа, 233 та пост намунали ишлаб турибди. Шу нарса диққатга сазоворки, халқ назоратчиларининг 1903 нафари ишчи ва колхозчилардан бўлиб, бу — райондаги назоратчиларнинг 82 процентини ташкил этади. Группа ва постларда ишлаётган коммунистлар сони 1033 кишига етди, 1073 нафар хотин-қиз назоратчилар сафида муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ўринбосарларининг 98 процентн халқ контроли бош группаларининг раислари қилиб сайланган. Район халқ контроли комитетининг ўнлаб штатсиз бўлимларида 90 дан зиёд инструкторлар жамоатчилик асосида иш олиб боряпти. Штатсиз бўлим мудирлари, группа ва пост бошлиқларининг райком номенклатурасига қўйилиши уларда топширилган иш учун шахсий масъулиятни оширнб юборди.

Давлат планларининг бажарилишини доимий равишда назорат қилиб туриш район халқ контроли комитети ишининг негизини ташкил этади. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумидан кейинок барча группа ва постлар район меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни кенг муҳокама қилиб, план ва мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни ҳар қачонгидан кучайтириш юзасидан конкрет чоралар белгилади. Назоратнинг хилма-хил формалари: текширишлар, рейдлар, кўриклардан самаралироқ фойдаланила бошланди. Текширишларнинг бир қисми партия, касаба союз ташкилотлари ва «Комсомол прожектори» отряди билан биргаликда ўтказилмоқда. Кўпгина текшириш якунлари юзасидан район партия комитетининг қарорлари чиқаётир.

Эндиликда район партия комитети бюроси ва пленумларда кўриладиган масалаларни тайёрлашга, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларига район ижроия комитети сессиялари ва қишлоқ Советлари кенгашларига халқ назоратчиларини ҳам таклиф этиш одат тусига кириб қолди. Район партия комитети ҳар ойда бир марта партия ташкилотлари секретарлари билан халқ контроли группалари раисларининг семинарини ташкил этди. Июнь ойи бошида «Правда» колхозида ўтган худди шундай семинарда партия комитетлари секретарлари ва группа раислари қатори райком аппарати ходимлари ҳам актив қатнашдилар.

Райком ва бошланғич партия ташкилотлари ҳаётида халқ контроли группаси ва постлари аъзолари, штатсиз активлар ўқуви муҳим ўрин тутмоқда. Ҳозир район халқ контроли комитети ҳузуридаги мунтазам ҳаракатдаги семинар машғулотларида назоратчилар актив қатнашяптилар. Анчадан буён иш олиб бораётган назоратчилар мактабида группаларнинг 400 кишидан зиёд аъзолари ва пост раҳбарлари тажриба алмашмоқдалар. Семинарларда халқ хўжалиги турли тармоқларининг тажрибали мутахассислари, хўжалик раҳбарлари, партия, совет, комсомол раҳбар ходимлари лекциялар ўқишяпти.

Шунингдек, партия, комсомол сиёсий-маориф ўқуви системасида ва иқтисодий билимлар мактабларида 275 нафар халқ назоратчилари таълим оляпти. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари халқ контроли активларининг самарали ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб бериш, кези келганда уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларини ҳам диққат марказида тутиб келмоқда. Қатор хўжаликларнинг халқ контроли группалари барча алабиётлар, радио, телефон, мебель ва бошқа инвентарлар билан жиҳозланган шинам иш кабинетларига эга.

Район партия комитети назорат таъсирчанлигини оширишнинг муҳим воситаси сифатида унинг ошкоралиги ва оммавийлигига катта эътибор бермоқда. Назоратчилар белгилаган тадбирлар райондаги «Ленин байроғи» газетасида кенг ёритилмоқда. Текширишлар, рейдлар ва кўриклариинг якунлари ҳамда кўрилган чоралар тўғрисидаги материаллар маҳаллий радио эшиттириши орқали ҳар ойда икки марта маълум қилиб турилмоқда. «Молния» варақалари, фотоайбнома ва ҳажвий стендлар назорат ишининг таъсирчанлигини оширишда катта омил бўляпти.

Ўтган бир ярим йил ичида район халқ контроли комитети томонидан ўтказилган 70 дан зиёд йирик текшириш ва рейдларнинг якунлари партия ташкилотларида кенг муҳокама қилинди, тегишли тадбирлар белгиланди. Уларнинг 12 таси давлат план-топшириқларининг бажарилишига, 15 таси ички резервлардан, қувватлардан, моддий ва меҳнат ресурсларидан, пул маблағларидан фойдаланишга, 11 таси социалистик мулкни сақлашга бағишлаб ўтказилди. Муҳим масалалар бўйича бўлган етти текширишнинг натижаси район партия комитети бюросининг муҳокамасига киритилди. Худди шу давр мобайнида халқ контролининг бош группалари томонидан ўтказилган 2 мингга яқин текширишларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига, ердан, минерал ўғитлардан ва техникадан фойдаланишга қаратилди. Назоратчиларнинг аралашуви ва уларнинг амалий ёрдами билан ўтган йили 170 тоннадан қўпроқ минерал ўғит иқтисод қилиб қолинди, фойдаланилмасдан ётган 40 гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Шунингдек, умумий қиймати 57 минг сўм бўлган кўплаб электр энергияси, қурилиш ва ёнилғи-мойлаш материаллари тежаб қолинди.

Эришилган ютуқлар билан бирга район халқ контроли комитети ишида ва унга партия раҳбарлигида ҳали баъзи камчиликларимиз ҳам бор. Партия ва ҳукумат қарорларининг муваффақиятли бажарилишида, план ва социалистик мажбуриятларнинг ошириб адо этилишида, ҳар бир меҳнат коллективида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланиб боришида барча группа ва постлар бирдек ташаббускорлик кўрсатмаётгирлар. Меҳнат ва план интизомидаги тартибсизликларга, хўжасизлик кўринишларига қарши қатъий кураш олиб борилмаяпти. Бу шуни кўрсатадики, район халқ контроли комитети ва жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари баъзи группа ва постлар иши билан ҳали етарли шуғулланмаяпти, уларга вақтида конкрет ёрдам бермаяпти. Қатор группа ва постларга сайлаб қўйилган коммунистлар ва комсомолларнинг ҳаммаси ҳам ўзларининг бурчларини сидқидилдан ўтолмаяптилар.

Райондаги айрим хўжаликлар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг баъзи турлари бўйича давлат план-топшириқларини бажаролмай қолаётган, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ортиқча сарф-харажатларнинг кўпайиб кетишн ҳоллари учраб турибди. Уларни очиб ташлашда группа ва постларнинг барча аъзолари бирдек активлик кўрсатмаётирлар.

Район партия комитети халқ контроли органларига партия раҳбарлиги даражасини кўтара бориб сўнгги йилларда уларнинг активлигини бирмунча оширишга эришдик. Улар эндиликда халқ хўжалиги самарадорлигини янада ошириш имконини берадиган янги-янги резервларни кидириб топиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган улкан вазифаларни амалга оширишда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

М. ШЕРБЎТАЕВ,
Қува район партия комитетининг биринчи секретари.

Тошкент асбобсозлик заводи халқ контроли группалари ва постлари хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқдалар. Давлат план-топшириқлари ва муқобил планларнинг бажарилишини текшириш юзасидан ишлаб чиқилаётган, амалга оширилаётган тадбирлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий омил бўляпти. Суратда: завод халқ контроли группасининг раиси Н. Хайретдинов (чапдан) ва группа назоратчилари — илғор фрезерчи У. Норматов, йўнувчи слесарь С. Муҳитдинов ўртоқлар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

РАССОМ ХАНДАСИ

ЮКЛАР МАҲТАЛ БЎЛМАСИН

Республикамиз темир йўл транспортида юк обороти йил сайин ўсиб бормоқда. Унинчи беш йиллик бошидан буён планга қўшимча салкам 1,4 миллион тонна халқ хўжалик юклари ташилди. Бу, яхши албатта. Бироқ баъзи темир йўл станцияларида аҳвол кўнгилдагидек эмас. Чунончи, Ховос ва Бухоро темир йўл бўлинмаларида юк ортиш, тушириш ишлари бир сменада ташкил этилган. Вагонларнинг бўш туриб қолиш ҳоллари кўп. Чала ремонт қилинган юк поездлари, тепловозлар йўлларда тез-тез гўхтаб қолмоқда. Ҳаракат составларидан фойдаланиш самарадорлиги паст. Ховос ва Бухоро темир йўл бўлинмалари бошлиқлари — М. Мартьянов, Г. Хусниов ўртоқлар, қолаверса Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

МУҲИМ МАСАЛАГА СУСТ ЭЪТИБОР

Партия ва ҳукуматимиз табиатни муҳофаза қилиш, уни янада бойитиш, ҳаво ва сувни тоза сақлашга, атроф-муҳитни яхшилашга доимо катта эътибор бериб келмоқда. Бу СССР янги Конституциясининг 18-моддасида ҳам алоҳида таъкидланди. Бироқ, республикамиз Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли қатор корхоналарда бу муҳим масалага етарли эътибор берилмаяпти. Ташкилий-техникавий тадбирларнинг ижроси устидан назорат қилинмаётир.

Корхоналарга қарашли сув йўллари ва сув иншоотлари вақтида тозалаб кўйилмаяпти. Қибрай пиво-алкоголсиз ичимликлар ва Фарғона ёг-мой комбинатларида худди шундай манзарага дуч келиш мумкин. Аҳвол қачонгача давом этаркан?

АҲОЛИ РАНЖИЯПТИ

Наманган «Химчистка» бирлашмаси хизматидан аҳоли ранжияпти. Негани, қабул пунктн ҳамиша очиқ бўлавермайди. Буюртмаларнинг вақтида бажарилмаётгани устига, сифати ҳам ғоят паст. Бунинг асосий сабаби — «Химчистка» фабрикасининг ҳанузгача тўла қувват билан ишламаётганлигидир. Устига-устак корхонада технология ҳоидалари тез-тез бузилиб турибди. Бажарилган ишларнинг кўпчилиги брак деб топилмоқда. Буюртмачилар ҳақли эътирозлар билдиришаётир.

Мамлакатимизда маиший хизмат ва коммунал хўжалик давлат системалари тобора ривожланаётган бир пайтда Намангандаги «Химчистка» бирлашмаси коллективларининг иши талаб даражасида эмаслигинн қандай баҳолаш мумкин?

ИСРОФГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТИР

Ҳозир республикамизнинг барча хўжаликларида мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ғарқ пишди. Тайёрлов пунктлари колхоз-совхозлардан келтирилаётган ёз неъматларини пешма-пеш қабул қилиб олмоқда. Бироқ, баъзи жойларда пишиб етилган ва териб олинган мева, сабзавотларни ташиб олишда суст-кашлик сезиляпти. Яқинда Фарғона область, Тошлоқ районидаги «Коммуна» колхозида териб олинганлан сўнг далада узоқ вақт қолиб кетган ва иссиқда ўз сифатини йўқотган уч тонна помидор осонгина акт қилиб қўйилди.

Ҳўжалин деҳқонлари ҳар куни дала бошига 40-50 қутидан помидор чиқариб қўйишади. Тайёрлов пункти ходимлари эса уларни вақтида ташиб олмаётир. Бу эса кўплаб исроф-гарчиликка олиб келмоқда.

А. Ҳолиқов расмлари

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ПАХТАЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Районимиз пахтакорлари ва механизаторлари КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорларини зўр маънуният билан ўрганиб чиқдилар ва ўз ишларида дастуриламал қилиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган ёрқин доклади қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг улуғвор программаси бўлиб қолди.

Сўнгги ўн уч йилда, яъни КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари айниқса тез суръатлар билан ривожланди. Айниқса, пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайди. Албатта, бу ютуққа осонлик билан эришилмади. Бу соҳада партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни механизациялаш, химиялаштириш ва мелиорация ишларини тубдан яхшилашда кўрсатаётган ёрдамлари жуда катта бўлмоқда.

Ерларни экишга тайёрлашдан тортиб то етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишларнинг деярли ҳаммаси механизмлар ёрдамида бажарилмоқда. Районимиз хўжаликларида қўлда бажариладиган ишлар айтарли қолмади. Ҳамма иш механизмлар зиммасига юкланган.

Бўз ва партов ерларни ўзлаштириб, деҳқончилик оборотига киритиш, кам ҳосил етиштирилаётган бўлим ва бригадаларни илғорлар сафига етказиш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ялпи ҳосил оширилмоқда.

Районимиз пахтакорлари ва чорвадорлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили вазифаларини ошириб бажариш йўлида барча резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланмоқдалар. Ўнлаб бўлим ва бригадалар беш йиллик пахта топшириқларини 3-4 йилда бажаришга қарор қилиб иш олиб бормоқдалар.

Ўтган икки йил мобайнида районимиз пахтакорлари планга қўшимча 5500 тоннадан кўпроқ пахта сотишди. 8 бўлим, 68 бригада ҳосилдорликни 35-50 центнерга етказди. 1976 йили йиғиб-териб олган пахтамиз 31 минг тоннадан ошган эди. Районимиз пахта экиладиган районларнинг энг шимолий зонасига жойлашганига қарамасдан, механизаторларимиз бу йил она-Ватанга камида 36 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, шунда 26300 тоннасини «зангори кема»ларда териб олиш мажбуриятини қабул қилғанлар. «Шуманай» совхози 11 минг тонна, Киров номли совхоз 6 минг тонна, «Правда» совхози 7500 тонна, А. Мусаев номли совхоз 8 минг тонна, Гагарин номли совхоз 5500 тонна «оқ олтин» етиштиришади.

Бу йилги баҳор деҳқончилик учун ҳаддан ташқари ноқулай келди. Ғўзаларимиз ўтган йилдагидан 35 кун кечикди. Бу ўзилишни ғўзага 2-2,5 марта органик ўғит бериш, икки марта комплекс ишлов бериш билан тутатдик. Ғўзаларни қўшимча культивация қилиш, бегона ўтни йўқотиш ишлари тезкорлик билан ўтказилаётир.

Бригадамиз 1965 йилнинг баҳорида Янтоқсой массивидан 50 гектар майдонни ўзлаштириб чигит эккан эди. Шу йили ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 18 центнерни ташкил қилди, холос. Етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммаси қўл кучи билан йиғиб-териб олинди. Кейинги йилларда ерларни ўзлаштириш давом этди. Чигит экиладиган майдонларни 67 гектарга етказдик. Ўтган йили гектар бошига 43,4 центнердан ҳосил олинди. «Зангори кема»лар ёрдамида пахта таҳёрлаш планимизни 7 иш кунида бажардик. Коллективимиз бу йил 50 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилган. Ҳамма майдондаги ғўзаларимизни машинабоп қилиб парваришлаяпмиз.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этиб бораётган районимиз пахтакорлари ва механизаторлари пахтачиликни янада жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадида барча резерв ва имкониятларни ишга солмоқдалар. 1980 йилга бориб районимиз пахтакорлари ялпи ҳосилини 40 минг тоннага, совхозимиз ишчилари, механизаторлари эса 12 минг тоннага етказиш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Т. СОРИЕВ,
Қорақалпоғистон АССР Шуманай районидаги «Шуманай» совхози бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Дўстлик районидаги Ленин номли совхознинг биринчи бўлими комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов раҳбарлик қилаётган коллектив бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олишга шайланган. Бригада аъзолари пахта билан бир қаторда, маккажўхоридан ҳам улкан хирмон кўтаришяпти. 40 гектар майдондаги маккажўхори яхши пишиб етилди. Ҳозирда ўрим-йиғим қизғин давом этаётир. Гектаридан 100 центнердан дон олинмоқда. Суратларда: [чапдан] маккажўхори ўрим-йиғимида фаол иштирок этаётган механизаторлар Р. Қўзиев, С. Қурбонов, З. Қирғизбоев, А. Абдуллаев, Э. Алиев, С. Тожиев ва С. Қурбонбоев ўртоқлар. Пастда — бригада далаларида маккажўхори ўрими пайти.

А. Тўраев фотолари.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ПАХТАЧИ [«Совет Узбекистони» мухбиридан]. КПСС Марказий Комитетининг шу йил июль Пленуми қарорларк, партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладидан руҳланган район меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Район давлатга дон хотиш беш йиллик планини уч йилда оширнб бажарди, омборларга планда кўзда тутилганидан 1217 тонна кўп дон тўкилди. Тайёрлов пунктларига 1210 тонна сараланган маккажўхори дони етказнб берилиб, 1978 йил учун белгиланган топшириқ деярли 20 тонна ортиғи билан бажарилди. Ҳосилдорлик район бўйича 90 центнерни ташкил этди. Маккажўхори дони етиштиришни кўпайтиришга Карл Маркс номли, Охунбобоев номли, Свердлов номли колхозлар катта ҳисса қўшдн.

Чорвадорларнинг меҳнати ҳам таҳсинга лойиқдир. Улар чорва маҳсулотлари тайёрлаш саккиз ойлик планларини анча оширнб адо этдилар, тайёрлов пунктларига ўтган йилнкнг шу даврндагнга нисбатан 370 тоннадан кўпроқ гўшт, 450 тонна знёд сут, кўплаб тухум топшкрдилар.

Районда мева, полиз маҳсулотлари етиштирнш планлари ҳам оширнб бажарилди. Киров номли, Охунбоев номли колхозлар бу борада байроқдор бўлдилар.

Пахтачилик мардн майдонлари СССР янги Конституциясининг бир йиллиги кунигача барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан белгнланган планлар ва қабул қилинган мажбуриятларни ҳамма турлари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйнча тўла ҳамда оширнб бажарнш учун социалнстик мусобақани кучайтирмоқдалар.

ДЕҲҚОН УЙИ— ҚИШЛОҚ КЎРКИ

БИЗНИНГ СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг июль Пленумида «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида» қилган сермазмун докладида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттирнш проблемалари алоҳнда таъкндлаб ўтилди. Пленум қарорларида қишлоқ қурилишнни ҳозирги замон талаблари даражасида амалга оширнш вазифаси қўйилди. Шу муносабат билан мухбиримиз А. Аҳмедов Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрининг биринчи ўринбосари В. Н. Арбузов билан учрашиб, унга саволлар берди.

— Виктор Николаевич, айтингчи, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари асосида республикамиз дала меҳнаткашларининг маданий турмуш даражасини янада яхшилаш ва қишлоқ қурилишини давр талаблари асосида ташкнл қилиш учун қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Қишлоқ меҳнаткашлари — дастурхонимиз ноз-неъматларининг бунёдкорлари, мамлакатимиз пахтачилик саноатининг хом ашёси ижодкорлари. Бу каби оғир, айни вақтда завқли, олижаноб ишнинг юки ҳам, масъулияти ҳам уларнинг қўлида. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда қилган докладида қишлоқ заҳматкашларининг меҳнатига юксак баҳо берди. «Нонимиз — деҳқон. ишчи ва зиёли бирлашган меҳнатининг натижасидир», дейлишининг боиси ҳам бежиз эмас. Шундай экан, бугунги деҳқон, пахтакор, боғбону чорвадорнинг турмуш тарзи, уйи, унинг яшаш шароити, қишлоғи бунёдкор қалби каби гўзал бўлиши керак. Бунинг учун қишлоқда ҳам шаҳар нафаси гуркираб туриши, деҳқон оғир меҳнатдан кейин мириқиб дам оладиган қулай шароит бўлиши керак.

Бу хусусда министрлигимиз коллективи ва партия ташкилотининг улуши йўқ эмас, албатта. Республикамиз қишлоқларида, янги ўзлаштирилган ва ўзлаштирилаётган қўриқ областларида жуда катта қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди ва амалга оширилмоқда. Қишлоқ қурувчилари ва инженер-техникларимиз партия XXV съезди қарорларига амалий иш билан жавоб беришяпти. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган икки ярим йили ичида министрлик коллективи дала меҳнаткашларига жуда катта майдонларда уй-жой ва маданий-маиший объектларни қуриб фойдаланишга топширди. Жумладан, 778 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой, 82 мингдан зиёд ўқувчи учун мактаб бинолари, 16620 ўринли болалар боғчалари, 2205 ўринли касалхона, 2350 кишини қабул қиладиган поликлиника ва кўплаб қишлоқ ҳунар-техника таълими мактаблари бинолари уларнинг ҳисматида.

Пленум материаллари қишлоқ қурилишида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган қурувчи ва монтажчиларимизнинг куч-ғайратини янада ошириб юборди. Улар Пленум қарорларига жавобан, жойларда дала меҳнаткашлари учун замонавий уй-жой, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари, чорвачилик биноларини тез ва соз қурмоқдалар. Ишда самарадорлик ва сифатга, қурилиш материалларини тежаб-тергаб сарфлашга, давлат маблағларини иқтисод қилишга катта эътибор бермоқдалар.

— Қишлоқ қурилишида қандай янги прогрессив методлар жорий қилинаяпти?

— Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ қурилишига жуда катта аҳамият бермоқда, унга катта маблағлар ва техника ажратмоқда. Хўжаликлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг табиий офат ҳамда бошқа ҳар хил ноқулай шароитдан кўрилган зарарларни қоплаш учун катта ёрдамлар бермоқда. Ўтган йили Фарғона области сув тошқинидан анча зарар кўрди. Дарҳол уни қоплаш учун тегишли чора ва тадбирлар амалга оширилди. Министрликка қарашли ташкилотлар областда 12,5 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой, умумий таълим мактаблари учун 9 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш муассасаларини қисқа фурсатда қуриб фойдаланишга топширди. Бунинг учун фарғоналиклар партия ва ҳукуматимиздан ғоят миннатдорлар.

Бу йил министрлик Тошкент областида жуда катта қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқда. 4818 минг квадрат метр уй-жой, умумий таълим мактаб ўқувчиларига мўлжалланган 2992 ўринли мактаб, болалар боғчалари қуриліб фойдаланишга топширилиши керак. Бундай катта ҳажмдаги ишларни бажаришда илғор прогрессив методлардан фойдаланиляпти.

Бу йил республикамизда қишлоқ меҳнаткашлари учун кооператив йўли билан уй қуриш методи жорий қилинди. Йил охиригача министрлик республикамизнинг Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Сирдарё ва Тошкент областларида 4870 квадрат метр ҳажмда кооператив уй-жой бинолари қурилишини охирига етказади. 1700 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Областларимизда, айниқса қўриқ ва янги ерларда кооператив йўли билан уй қуриш кўлами йил сайин кенгайиб боради.

Бинобарин давлат ва колхозларнинг капитал маблағлари ҳисобига уй-жойлар қуриш билан бирга якка тартибда уй-жойлар қуришни кенг йўлга қўйиш колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари уй-жой фондини янада кенгайтиришга, қишлоқ хўжалигида кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишига катта ёрдам беради.

Якка тартибда уй-жой қуриш Қишлоқ қурилиши министрлигига унчалик дахлдор бўлмай, балки бу СССР Давлат банки колхоз ва совхозларга берадиган кредитлар ҳисобига пудратчи ташкилотлар қучи билан амалга оширилади. Лекин лозим бўлган тақдирда министрлик ёрдам бериши турган гап.

Пленум ҳужжатларида якка тартибда қурилган уй-жойлар баҳосини тўлашда қишлоқ хўжалик ходимларига катта имтиёзлар берилган. Қарорда кўрсатилганидек, бериладиган кредит умумий миқдорининг 50 процентн колхоз ёки совхознинг иқтисодий рағбатлантириш фондидан ажратилади. Кредитнинг қолган қисмини эса ходим 20 йил мобайнида тўлайди.

Хўжаликларнинг раҳбарларига касаба союз ташкилотлари билан келишган ҳолда армия сафидан қайтган солдатлар, ёш оилалар, ёш мутахассислар, шунингдек ишчи кучи етишмаётган хўжаликларда эса у ерга доимий ишга келган оммавий касб ходимлари учун ҳам ўз маблағларининг дастлабки взносини 10 процентга камайтириш ҳуқуқи берилганлиги қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатилаётган катта ғамхўрликдир.

— Қишлоқ қурилишидаги янгиликлар, тажрибалар ҳақида гапириб берсангиз?

— Қурувчиларимиз қишлоқларга шаҳар жамолини бахш этиш нияти билан меҳнат қилишяпти. Бунинг учун колхоз ва совхозларнинг янги посёлкалари, янги шаҳарчалар барпо қилишда миллий колорит бўлишига эътибор қилинмоқда. Яшаш ва дам олиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган уй-жойлар қурилиши диққат марказида турибди.

Бунинг учун министрлик колхоз ва совхозларда тажриба-намуна посёлкалари, шаҳарчалари қурди ва қурмоқда. Самарқанд областининг «Октябрь» колхозида, Қашқадарё областининг «Пачкамар» совхозида, Тошкент областининг «Партия XXIV съезди», Андижон областининг «Маданият» совхози, Наманган областининг «Наманган» совхозларида ана шундай тажриба-намуна посёлкалари барпо этилди.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, диди юксак қишлоқ меҳнаткашларига уй-жой ва маданий-маиший бинолар қуришда ҳали бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Давлат томонидан ажратилган маблағлардан ўринли фойдаланилмаяпти. Иш сифати бузиляпти. Натижада қўпгина қишлоқларни қайта қуриш бўйича белгиланган планлар бажарилмай, қурилиш ишлари чўзилмоқда.

Бу йил министрлик бўйича республикамизда 325,5 минг квадрат метр уй-жой қурилиши керак. Министрлигимизга қарашли ташкилотлар КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига ўзларининг самарали меҳнати билан жавоб берадилар ва олинган социалистик мажбуриятларни ошириб адо этадилар.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ИНДУСТРИЯЛАШ ЙЎЛИДАН

Социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун Кубани индустриялаш ишлари юксак суръатлар билан олиб борилмоқда. Ўтмишда қолоқ аграр мамлакат бўлган бу ўлкада революция ғалабасидан кейин электр энергетика, металлургия, конруда саноати, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш узлуксиз ривожланмоқда.

Мамлакатда қурилаётган объектлар орасида — Сантьяго-де-Куба вилоятидаги «Антониомасео» иссиқлик электростанциясида СССР кўмаги билан барпо этилаётган 100 минг киловатт қувватли катта энергетика блоки, Пинар-дель-Рио, Сьенфуэгос, Камагуэй ва Гранма вилоятларидаги қанд заводлари, Санта-Клара шаҳридаги йилига 60 миллион метр газлама ишлаб чиқара оладиган тўқимачилик комбинати бор. 160 га яқин турли саноат объекти ишга туширилади, бир неча ўн километр темир йўл ва автомобиль йўли, юқори вольтли электр линиялари қуриб битказилади.

● «УЧАР КРАНЛАР»

Қудратли «МИ-8» вертолёти ердан кўтарила бориб сайин юқори вольтли линиянинг баҳайбат пўлат тиргаги секинаста қад кўтара бошлайди. Орадан бироз вақт ўтар-ўтмас электр мачта ўз ўрнида турган бўлади... ГДРнинг кўпдан кўп қурилиш объектлари тепасида турли монтаж ишларини зўр аниқлик билан бажараётган «учар кранлар» деярли йигирма йилдан буён пайдар-пай ишлаб турибди.

Бу ерда вертолётлардан йил сайин янгидан-янги соҳаларда фойдаланилмоқда. ГДРда қурилган «Шварце пумпе» газхимия комбинатидаги завод иншоотларини монтаж қилиш ана шу вертолётлар экипажлари фаолиятининг дастлабки тажриба участкаларидан бири бўлган эди. Энди «осмон монтажчилари» уй-жой кварталларини тиклашда, қувурлар ётқизишда муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар.

● «ОНА ЕР» ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА

Чехословакиянинг Ческе-Будеевице шаҳрида «Она ер» деб номланган анъанавий қишлоқ хўжалик кўргазмасини очишга бағишланган тантана бўлиб ўтди. Унинг экспозицияси салкам 30 гектар жойни эгаллади. Павильонларда ва очиқ майдонларда қишлоқ хўжалик техникасининг сўнгги янгиликларини, Чехословакия селекциячилари кўп йиллик меҳнатининг натижаларини кўриш, республика деҳқонлари, чорвадорларининг ютуқлари билан танишиш мумкин.

Болгария, ГДР, Польша ва Совет Иттифоқининг миллий павильонлари социалистик ҳамдўстлик давлатларининг биргаликдаги ютуқларига бағишланган.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХУА ГО-ФЭННИНГ САФАРИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИНИНГ ФИКРИ

Хуа Го-фэннинг бир қанча мамлакатларга қилган сафари тамомланиши муносабати билан чет эл матбуоти шарҳларни ва бошқа материалларни босиб чиқармоқда. Бу шарҳ ва материалларда ана шу сафарнинг якунлари ва мақсадлари тўғрисида турли мулоҳазалар баён этилмоқда.

БЕЛГРАД. Хуа Го-фэннинг Югославияга қилган визитини тарихий визит деб аташ мумкин, деб таъкидлади ТАНЮГ агентлиги. Бу визит, деб уқтириб ўтади агентлик, «бутун жаҳонда ҳуқуқий тенглик ва аралашмаслик, бир-бирини ҳурмат қилиш ва территориал бутунлик принципларини қарор топтирадиган визит деб, халқаро муносабатларнинг бутун комплексига ижобий таъсир ўтказа оладиган воқеа деб ҳисобланмоқда». Визит «кўп масалалар юзасидан ҳар икки мамлакатнинг позицияларини бир-бирига яқин ёки тўғри келганлигини, қарашлардаги тафовутлар эса ҳар томонлама муносабатларни чуқурлаштириш ва тамомила ривожлантириш учун тўсқинлик қилмаётганлигини ва бундан буён ҳам ғов бўлмаслигини» кўрсатди.

ТАНЮГ агентлигининг хабар беришича, Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг секретари С. Доланц Люблянда Словения сиёсий активи йиғилишида нутқ сўзлаган ва ўз нутқида Хуа Го-фэн билан олиб борилган музокараларнинг якунлари тўғрисида гапирган. «Югославия билан Хитойнинг ҳамкорлиги, — деди С. Доланц, — ҳеч кимга қарши қаратилган эмас ва чет эл матбуотининг бир қисми тараф-кашлик билан, баъзан эса бемаъниларча талқин қилаётганидек бошқа мамлакатлар билан муносабатларимизга зарар етказадиган тарзда ривожланмаётир».

С. Доланц Югославия Коммунистлар союзи билан ХКП нинг ҳамкорлиги тўғрисида гапириб, қуйидагиларни эслатиб ўтди: Югославия Коммунистлар союзи жаҳондаги деярли барча коммунистик партиялар билан ва кўпгина социалистик, социал-демократик ҳамда бошқа демократик ташкилотлар ва ҳаракатлар билан, шу жумладан муайян даврларда алоқа узилган ёки тўхтаб қолган ташкилотлар билан амалий алоқа қилиб турибди. Биз, деб сўзини давом эттирди С. Доланц, Осиё, Африка ва Европадаги кўпгина конкрет сиёсий шароитлар тўғрисида хитойлик ўртоқлар билан ошкора гаплашиб олдик. Бунда ҳар икки томон тамомила бир хил фикрларни изҳор қилмади, аммо биз ўз қарашларимизни ва тажрибамизни бир-биримизга ўртоқларча баён қилиб бердик, деди С. Доланц.

«Борба» газетаси «Хуа Го-фэн визитининг муваффақияти» сарлавҳали шарҳларни эълон қилди. Газета бу шарҳларда қуйидагиларни ёзади: Хуа Го-фэннинг Югославияга қилган биринчи визити муваффақиятли тугалланди, бу визит икки мамлакат ва икки партиянинг бир-бири билан яхшироқ танишиб олиши ва яқинлашувига ёрдам берди. «Борба» газетаси бу визитни «тарихий визит» деб, Югославия — Хитой муносабатларида «бурилиш нуқтаси» деб атайди, бу визит «умуман халқаро муносабатларни ривожлантиришнинг муҳим омили» бўлди деб ҳисоблайди. Газета «халқаро муносабатлар Югославия — Хитой музокераларида етакчи ўрин олди» деб таъкидлайди.

Югославиянинг баъзи газеталари бир неча кун мобайнида совет матбуотига очиқ-очиқ таъна қилиб келаётганлиги, совет матбуоти гўё «Югославия — Хитой музокераларини тарафкашлик билан ёритмоқда» деган даъвалар билан ёзаётганлигини эътиборни ўзига жалб этади. Совет газеталарида Югославия матбуоти Хуа Го-фэннинг антисовет гапларидан ўзини четга олиш имкониятини тополмади, деган уқтиришлардан ана шу мақсад учун бир баҳона сифатида фойдаланилмоқда. Музокаралар тўғрисидаги хабарларимизда бу музокараларда кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш, Европада хавфсизлик ва шулар сингари инсоният учун муҳим бўлган мавзулар муҳокама қилинганлиги ё йўқлиги Югославия ахборотидан аниқ-равшан бўлиб қолмаганлиги эслатиб ўтилганидан ҳам фойдаланилмоқда. Жумладан, Югославиянинг «Виесник» газетаси буларнинг ҳаммасига «Эски шаблонлар-га», «таълимларга», «тенги бўлмаган лекцияларга ва шу кабиларга қайтиш» деб баҳо беришга уринмоқда ва ҳоказо.

Совет матбуоти Хуа Го-фэн визитининг бориши тўғрисидаги материалларни Югославия матбуоти билан мунозара юритиш учун босиб чиқаргани йўқ. Совет матбуоти воқеаларни Югославия манбаларидан олинган тарзда кўрсатиб берди ва ўз мулоҳазаларини ўртоқларча баён этди.

Ҳозирги пайтда Югославия матбуоти чет эл матбуотининг ана шу визит якунлари тўғрисидаги кўпдан-кўп фикрларини эълон қилмоқда. Ана шу фикрларда «Хуа Го-фэн визитининг тарихий аҳамияти» таъкидлаб ўтилган.

Шу муносабат билан Югославияда бундай фикрларнинг эълон қилиниши бир томонлама характерга эга эканлигига эътибор қилмай бўлмайди. Чет эл матбуоти Хуа Го-фэн сафари хусусида бошқача фикрларни ҳам изҳор қилди.

СОФИЯ. «Работническо дело» газетаси ёзади: «Болқондаги социалистик мамлакатлар эндиликда маочиларнинг «табақалаштирилган тарзда ёндашиш» объекти бўлиб қолди. Бундай «ёндашиш» Пекин раҳбарларининг мазкур мамлакатни антисовет ва антисоциалистик мақсадлар учун фойдаланиш имкониятларига баҳо беришига қараб, «дўстона» муносабат ва ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга тайёргарликни намойиш қилишдан тортиб сурбетларча тазйиқ ўтказиш ва дўқ-пўписа қилишгача турли-туман методлардан фойдаланишни кўзда тутади. Хуа Го-фэннинг сафари Пекиннинг асл мақсадларини исбот этувчи яна бир далилдир. Бу мақсадлар антисовет ва антисоциалистик хуружлар учун янги минбарларни қидириб топиш, Болқондаги давлатлар ўртасидаги муносабатларга раҳна солиш, Болқондаги ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликка путур етказиш йўлида уринибгина қўришдан иборат».

БОНН. «Кельнер штадт-анцайгер» газетаси Хуа Го-фэннинг сафарини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзади: «антисовет йўналиш — Хитой бутун ташқи сиёсатининг асосий йўлидир». Ғарбий Германияда чиқадиган «Цайт» газетаси Хуа Го-фэннинг сафари Болқондаги аҳволни ўзгартириши мумкин эканлигини таъкидлаб, «бу ўзгариш мазкур регионга наф келтириши ёки наф келтирмаслиги ҳали маълум эмас» деб ёзади.

ЛОНДОН. «Дейли экспресс» газетаси ёзади: Пекиннинг, жумладан, Хуа Го-фэн визити муносабати билан ишлатаётган найранглари «дипломатик алхимиянинг энг ажойиб мисолини юзага келтириш»га қаратилган. Англиянинг «Таймс» газетаси «Хитойнинг Болқондаги кирдикорлари»га эътиборни жалб этади. «Хитойлар, — деб ёзади «Обсервер» газетаси, — Европа қитъасида кескинликнинг кучайтирилишидан ва уруш бошланган тақдирда унинг Европада ҳам содир бўлишидан манфаатдордирлар, деб ишонч билан айтиш мумкин». «Файнэншл таймс» газетаси «Хуа Го-фэннинг жуда чўзилиб кетган сафари антисовет мақсадларни кўзда тутади» деб ҳисоблайди. «Сиёсий жиҳатдан олиб қараганда, — деб ёзади яна газета, — Хитой раҳбари Жанубий-Шарқий Европада «иккинчи фронт»ни очди ва бу қадамнинг оқибатлари бутун жаҳонда Хитой — Совет рақобатига таъсир ўтказса керак». «Гардиан» газетаси Хуа Го-фэннинг ҳозирги сафари Хитой дипломатиясида янги тамойилнинг бошланиши бўлса (баъзи бировлар ана шу визитларни шу тарзда талқин этмоқдалар), у ҳолда бу ташаббус халқаро статус-квога путур етказиш мақсадини кўзда тутади.

ВЕНА. Хуа Го-фэннинг чет эл сафари, деб таъкидлайди Австриянинг «Фольксштимме» газетаси, Болқонда кескинликни юмшатишга эмас, балки бунга тамомила зид бўлган мақсадларга хизмат қилди, чунки бу сафар социалистик мамлакатларни бир-бирларига қарши гиж-гижлатиш йўлидаги уринишдан бошқа бир нарса эмас. Пекиннинг сиёсати нимага қаратилганлиги Хитой матбуотининг хабарларидан яққол кўриниб турибди. Бу сиёсат қарбий весвасани авж олдириш ва урушга тайёрланишни кўзда тутади.

ВАШИНГТОН. «Вашингтон пост» газетаси «Пекин жаҳон сиёсатида актив ва агрессив тарзда қатнашиш йўлига ўтганлигини таъкидлаб, Хитой раҳбарлари Совет Иттифоқининг ғарбий чегараларида дипломатик ва ҳарбий кескинликни кучайтиришдан манфаатдор эканлигини уқтириб ўтади.

ВАРШАВА. «Трибуна люду» газетаси ёзади: Хуа Го-фэн ўзининг бутун сафари давомида ўз мезбонларини «гегемонизмга қарши курашга зўр бериб даъват этди. Ҳозирги кунда Хитой Халқ Республикасида қўлланилаётган бу таъриф қандай сиёсий маънога эга эканлиги маълум. Бу — Совет Иттифоқига қарши, унинг тинчлик ва кескинликни юмшатишга эришиш, қуролсизланиш ва тинч-тотув яшашни кўзда тутган сиёсатига қарши курашни олиб боришга қилинган даъватдир. Хитойлик меҳмон Яқин Шарқ ва Африка проблемаларига ниқобли тарзда тўхталиб ўтди. Хитой Яқин Шарқ ва Африкада жуда ҳам салбий роль ўйнамоқда ва СССРнинг бу регионлардаги тараққийпарвар кучлар билан ҳамкорлигига путур етказиш учун интилмоқда.

Хуа Го-фэн визитининг сўнгги кунларигача сўзлаган нутқларида тинчлик, кескинликни юмшатишга қарши, социалистик давлатларга, тараққиётга, ишчилар ҳаракатининг бирлигига қарши сиёсатни зўр бериб тарғиб қилди.

ТОКИО. «Хитой олий раҳбарининг Болқон мамлакатларига қилган биринчи визити, — деб уқтириб ўтади «Иомиури» газетаси, тамомила муайян бир мақсадни — Шарқий Европа мамлакатлари орасига нифоқ солиш мақсадини кўзда тутди». Япониянинг «Санкэй симбун» газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: Хуа Го-фэннинг визити Совет Иттифоқининг қуршаб олиш учун қандайдир «тўр» вужудга келтиришга интилаётган Пекин дипломатиясининг шу тахлитдаги ривожини намойиш қилди. Япония — Хитой шартномасини тузган Япония Пекин ташқи сиёсий стратегиясининг йўналишини зўр эътибор билан кузатиб туриши керак. Япония — Хитой шартномаси ҳам Пекиннинг кенг кўламдаги антисовет стратегияси бўғинларидан бири эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

УЛАН-БАТОР. «Унэн» газетаси Хуа Го-фэннинг Руминия билан Югославияга қилган сафарини таҳлил этиб, қуйидагиларни таъкидлайди: «гегемонизмга қарши кураш» тўғрисидаги сафсатасини такрорлай бериб оғзи кўпириб кетган Хитой эмиссари бир томондан, ўтакетган антисоветизмни тарғиб этишга, социалистик ҳамдўстликни бир-биридан ажратиб юборишга интилди, иккинчи томондан эса Болқон давлатлари ўртасида ишончсизлик ва адоват уруғини сочишга ва Болқонда Хитойни қўллаб-қувватлайдиган плацдармга имкони борича эришишга интилди.

Пекиннинг социалистик мамлакатларга қарши қаратилган йўли ҳам, Осиёга ва бошқа регионларга нисбатан, жумладан, Болқон мамлакатларига нисбатан гегемончилик ва зўравонлик сиёсати ҳам антисоветизмга, ҳар қандай ирғовчилик, туҳмат, алдамчилик ва сурбетларча тазйиқ ўтказишга таянганлиги ҳаммага маълум. Шу муносабат билан, «Унэн» газетаси уқтириб ўтганидек, баъзи мамлакатларнинг Пекин сиёсати ва хатти-ҳаракатларига йўл қўйиб бериш сиёсати кишиларни таажжублантиради. Бу сиёсат тамомила авантюристик, агрессив тус олаётганлиги тобора яққол кўриниб турибди.

(ТАСС).

ЭРОННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ТЕҲРОН. Бу ерда янги ҳукумат тузилди. Унга бош министр Жаъфар Шариф-Имомий бошчилик қилмоқда. Унинг кабинетида ҳарбий министр генерал Азимий билан экономика ва молия министри Иеганедан ташқари барча асосий лавозимларни янги кишилар эгаллашди. Амир Ҳисрав Афшар-Козимли ташқи ишлар министри, жандармерия бошлиғи генерал Аббос Қорабоғи ички ишлар министри қилиб тайинланди.

(ТАСС).

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

БУГУНГИ СУРГУТ



Обь дарёси бўйларида, қадимий Сибирь шаҳри — Сургут яқинида бундан 14 йил муқаддам шаҳар номи билан аталган янги нефть кони ишга туширилган эди. Эндиликда бу ерда ўнлаб конлар ишлаб турибди. Тюмень областидаги нефть ва газ ишлаб чиқариш бирлашмаларидан бири — «Сургутнефтегаз» коллективи конлардан самарали фойдаланиш борасида катта ишлар қилмоқдалар. Унинчи беш йилликда областдаги барча тармоқлар сингари нефть қидирув ишлари ҳажми ҳам анча ортади. Агар сургутлик нефтчилар 25 миллион тонналик маррага ўтган 1977 йилда етган бўлсалар, 1980 йилга бориб, бу миқдор яна бир неча ўн миллионлаб тоннага кўпайиши кўзда тутилган. Бунга янги нефть конларини ўзлаштириш, ишлаб чиқаришда илғор методларни кенг қўлланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиладн.

Нефть ва газ саноатининг тез суръатлар билан ўсиши Сургут шаҳрини ҳам камолга етказмоқда. 1965 йилда шаҳар аҳолиси 13 минг кишидан иборат бўлса, ҳозир Сургутда 86 минг аҳоли яшайди. Социолог ва иқтисодчиларнинг таҳминига кўра яна 2 йилдан сўнг шаҳар аҳолиси 160 минг кишига етади.

«Тюмень тезлиги» номи билан аталган бундай кескин ўсишда бутун мамлакатнинг ҳиссаси бор. Сургут уй-жой қурилишида совет ва болгар қурувчилари елкама-елка меҳнат қилмоқда. Суратларда: Сургутдаги уй қурилиши комбинатининг интернационал монтажчилар бригадаси аъзолари (чапдан) Иван Стоименов, Иван Чарбаджиев, Сергей Стройцев, Яков Варанкин ва Руси Недялков ўртоқлар. Унгдаги суратда эса Сургут нефть саноати корхоналаридан бирининг умумий кўриниши.

И. Сапожков, С. Губск фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

ШАХМАТ

ТАХТА УСТИДАГИ ЖАНГЛАР

Филиппиндаги матчнинг дастлабки ўн партиясидан атиги биттаси бир ёқли бўлганини, унда жаҳон чемпиони 28-юришдаёқ, рақиби шоҳини ноилож вазиятда қолдирганини мухлислар билишади. Орадан атиги иккита дуранг ўтгач, иккинчи ўнлик бошланди. Корчной 12-партиянинг кечиктирилган вазиятини яхшироқ таҳлил қилиш ниятида таймаут, яъни танаффус олди. Мухлисларга билдириб қўяйлик: матч низомига кўра дастлабки 24 партияда томонларнинг ҳар бири уч марта шуднай танаффус олиш ҳуқуқига эга. Ортиқчаси (касал бўлиб қолган тақдирда ҳам) мағлубият билан баробар.

13-партия ҳақида чет эллик журналистларнинг аксарияти Корчной ютади, деган хулоса чиқарган эди. Аммо уйда қилинган пухта таҳлил Карповнинг кўп имкониятларга эга эканлигини кўрсатди. У ғалаба қилди. Орадан ярим соат ўтгач иккинчи кечиктирилган ўйин давом эттирила бошланди. Бунда яна атиги тўққиз юриш қилинди, холос. Ҳисоб: 3:1.

15, 16-учрашувлар битим билан тугагач, ўн еттинчисида Карпов яна бир қаттиқ зарба бериб ҳисобни 4:1 га чиқариб олди. Шундан кейин Корчной кетма-кет икки марта танаффус олди, мутасаддиларга бўлмағур талаблар қўйди. Ҳеч нарса чиқара олмагач 18-учрашувга етиб келди. Акс ҳолда уни мағлуб деб топишарди. 41-юришда ўйин кечиктирилиб, эртасига давом эттирилди ва 64-юришда битимга имзо чекилди. Ҳисоб ҳамон Карпов фойдасига — 4:1.

* * *

Грузиянинг ажойиб курорт шаҳри Пицундада яна бир жаҳон биринчилиги ўтмоқда. Унда беш карра жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили билан Майя Чибурданидзелар ўзаро баҳслашмоқдалар. Булар ўртасида ҳам 20 ёш фарқ бор. Майя дунёга келганда Нона биринчи марта жаҳон чемпионлигига талабгорлик даражасига кўтарилган эди. Ҳа, Майядан бўлак ҳеч қайси бир шахматчи 17 ёшида жаҳон чемпионлиги учун расмий баҳсга кирмаган. Майя сингари ёш талантли шахматчи қизларнинг етишиб чиқишида Грузия шахмат мактаби, айниқса, Нона Гаприндашвилининг жаҳоншумул ғалабалари катта роль ўйнади. 16 йилдирки шахмат тожи грузин шахматчисида. Шу орада у ҳатто эркаклар орасида ҳам гроссмейстерлик талабларини ўринлатди. Шу нуқтаи назардан қараганда у билан баҳслашишга Майя ҳали ёшлик қилиши кўриниб турарди. Аммо, саралаш ўйинларида, мамлакат чемпионатида эришган ғалабалари 17 ёшли Майянинг улкан талантидан дарак эканлиги матчнинг дастлабки партияларидаёқ сезилди. Учта дурангдан сўнг Майя қаторасига икки бор ғолиб келди. Позиция ва комбинация жиҳатидан у тажрибали рақибига асло ён бермади. Балки устунлик қилди. Пировард натижадан гап очишга ҳали вақт эрта. Аммо, ёш тож талабгори кутилганидан пишиқроқ, дадилроқ чиқиб қолгани эътиборга лойиқдир.

* * *

Яқинда Новосибирск ёнида ташкил топган СССР Фанлар академиясининг Сибирь бўлими жойлашган академик шаҳарчада илмий ходимлар ўртасида Бутуниттифоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Унда ҳар бири тўрттадан шахматчига эга бўлган 17 команда иштирок этди. Ўзбекистон Фанлар академияси терма командаси 17 очко билан 9 коллективдан ўтиб, саккизинчи ўринни эгаллади. Командамиз аъзолари орасида айниқса ёш мастерликка номзод Акрам Тошхўжаев яхши ўйнади. Мусобақанинг беш туридан сўнг иккинчи ўринда бораётган вакилимиз бирдан қоқилиб, анча пастлаб кетди. Шунда ҳам уч спорт мастерини ажойиб услубда енгиб, 54 киши орасида 11-ўринга чиқди. Командамизда кибернетика институтининг ходимлари биринчи разрядли шахматчилар М. Содиқов билан З. Йўлдошевалар ҳам иштирок этишди. Мастерлардан тузилган СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими шахматчилари команда ҳисобида ғолиб чиқишди.

* * *

Пойтахт яқинидаги «Қибрай» дам олиш уйида «Тошкент кузи» Бутуниттифоқ шахмат фестивали ўтказилмоқда. Унда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан 150 шахматчи қатнашмоқда. Иштирокчилар сафида спорт мастерлари, мастерликка номзодлар бор. Мусобақа натижалари ҳам шахсий, ҳам команда ҳисобида инобатга олинади. Ғолибларга кўплаб совринлар таъсис этилган. Ушбу мусобақа ҳалқлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилиши муқаррар.

М. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси.

Ахборот

СИРДАРЁ

АСАЛ КУПАЯДИ

Ғаллачилик, узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган «Ховос» совхози территориясида асаларичилик хўжалиги ташкил этилди. Ҳозир хўжаликда қарийб 1500 яшик асалари боқилмоқда. Унинчи беш йилликнинг охирига бориб хўжаликда асалари камида яна уч ярим-тўрт баравар кўпайтирилади.

ЧЎЛДА КЛУБ

Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли совхоз ишчилари яқинда «Голодностепстрой» қурувчиларидан ажойиб совға олдилар. Совхоз марказида қурилган 350 ўринли қишки клуб фойдаланишга топширилди. Клубда кутубхона, бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари учун хоналар, концерт зали, меҳмонхона бор.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЗЛАНИШ ВА КАШФИЁТЛАР

ШАҲАРГА КОНДИЦИОНЕР

Ереванда витамин препаратлар заводида ишга тушган установка технологлардан ташқари шаҳар қурувчиларининг ҳам эътиборини жалб қилди. Ереван политехника институтининг мутахассислари ясаган саноат кўламида совуқлик таъминоти системаси «совуқликни олисга юборишга», уни 10 километр радиусда жойлашган истеъмолчиларга қадар етказишга қодир.

Олимлар совуқлик элтувчи сифатида фреон бугларини қўлладилар. Улар фойдаланган принцип рўзғор холодильнигининг иш схемасига ўхшаб кетади. У энергия нобудгарчилигига қарийб тамомила барҳам беради. Институт олимлари совуқлик ҳосил қилишда чиқадиган иссиқдан фойдаланиш йўлини ҳам топдилар. Махсус қурилма чиққан иссиқликни ўзига «олиб» сув иситиб беради. Янги системанинг совитиш, иситиш ва сув иситиш режимларида ишлаш қобилияти шаҳар қурувчиларининг эътиборларини жалб қилди. Шундай қилиб Ереванда бинолар йил бўйи марказлаштирилган ҳолда иситиладиган ва совитиладиган уй-жой микрорайони қуришга қарор қилинди. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича аҳолиси бир миллион бўлган шаҳардаги уй-жой ва ишлаб чиқариш биноларини янги принцип бўйича кондицилаш кетадиган харажатлар 10—12 миллион сўм қисқаради. Меъморларнинг режаларига кўра, бўлғуси микрорайон аҳолисига холодильник керак бўлмайди — девор ичига олинган шкафлар марказлашган совуқлик таъминот системасига боғланади. (ТАСС).

КОЛЛЕКТИВ ВА ШАХС

Бугунги «беш минутлик» кенгаш одатдагидан бошқачароқ бўлди. Хожиакбар аканинг маслаҳати билан Иван Корниенко кенгашни ўз хонасида эмас, цехда барча ишчиларнинг иштирокида ўтказишга қарор қилдик. Унинг тантанали ўтиши учун зимдан тайёргарлик ҳам кўриб қўйди.

— Бунақа воқеа ҳар куни ҳам бўлавермайди, — тайёргарликнинг бошида турган Хожиакбар ака цех бошлиғининг ишидан мамнун бўлиб деди. — Шундай қилайликки, бу кун Тўлаганнинг эсида умрбод қоладиган бўлсин.

Соат ўн иккига занг урди. Тўлаган дастгоҳини тўхтатиб ҳамма қатори тушликка отланаётганида Иван Корниенко ишчиларни ҳозиргина чўгдай ясатилган цех чеккасидаги дам олинадиган баҳаво жойга таклиф қилди-да, ҳамманинг тўпланишини бир оз кутиб, сўнг Тўлаганнинг чарм тегиб униққан қўлларини қаттиқ-қаттиқ қисди.

— Табриклайман дўстим, чин кўнглимдан табриклайман, — у ўз гапларига тушунолмай кўзларини пирпиратиб турган йигитни қучоғига олди, сўнг ишчиларга девордаги табрик алвонни ва ҳозиргина илинган «Чақмоқ»нинг янги сонини кўрсатаркан деди: Фрезерчи Тўлаган Мусаев бугун ваъдасининг уддасидан чиқди. Ҳозиргина унинг беш йиллик шахсий топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида план бўлимидан хушхабар келди. Тўлаган фабрикада социалистик мусобақа пешқадами бўлди. У шу кундан ўн биринчи беш йилликка қадам қўйди.

Цехда қарсак янгради. Ҳамма ўз ҳамкасбини самимий табриклади. Иван Корниенконинг зимдан тайёргарлик кўрганича бор экан. Тунов куни фабрика қошидаги ҳунар-техника билим юртини тугаллаб ишга янги келган ёш пойафзалчи қизлар корхона ҳовлисидаги гулзор ичидан териб чиққан турфа гулларни ҳавас билан Тўлаганга тақдим қилишди. Айниқса фабрика партия комитетининг секретари Ориф Шарипов олиб келган янгилик — меҳнатда эришган муваффақиятлари учун республика Енгил саноат министрлиги Тўлаган Мусаевни фахрий ёрлиқ билан мукофотлагани тўғрисидаги хушхабар қувонч устига қувонч қўшди. Табрик йиғини цех ишчиларининг йиғилишига айланиб кетди. Кўп кишилар сўзга чиқишди. Тўлаган фақат ўзи билан кўп йиллардан бери бирга ишлаб келаётган Ҳожиакбар ака Ваҳобов, Степан Шульгиннинг табрик сўзларинигина эслаб қолди. «Раҳмат сенга азизим, берган сабоқларимизни оқладинг. Устозларингдан ўтиб кетдинг», — Степан Шульгин унинг қўлларини қаттиқ-қаттиқ силкитиб шундай деяркан юзкўзларидан нур ёғилгандай бўлиб турарди. У ўзининг собиқ шогирди бугун фақат цехдагина эмас, корхона бўйича пешқадамлик қилаётганидан жуда-жуда мамнун эди. Тўлаган ҳам шу тобда ана шу иккала устозининг юзкўзларига зимдан разм солиб чиқди, уларнинг бундан йигирма йил аввалги қиёфасини кўз ўнгига келтирди. Орадан шунча вақт ўтибди-ю, аммо Степан ака билан Ҳожиакбар ака ҳамон ўша меҳрибонлигини, дилкашлигини йўқотишмаганди.

...Ўшанда Тўлаган ўн етти ёшда эди. 1-пойафзал фабрикасига янги ишга келганида смена бошлиғи ёш йигитчани цехнинг энг тажрибали уста пойафзалчиларидан Степан Шульгин билан Ҳожиакбар Ваҳобовнинг ёнига етаклаб келди-да, «Мана, янги шогирдни қабул қилиб олинглар. Унга шундай ўргатингларки, келгусида бутун корхона фахрланадиган пойафзалчи бўлиб чиқсин» деди. Тўлаганга кўзойнагини пешонаси устига қўндириб ўзига жиддий тикилиб турган Степан ака ҳам, бош бармоғини коржомаси белбандидан ўтказиб «Кел, ўғлим, пойафзалчи бўлмоқчи экансан-да» деб меҳрибонлик билан сўраётган Ҳожиакбар ака ҳам ўз оғаларидай ёқиб қолди. Шу кунданоқ улар ўзаро тил топишиб кетишди. Икки уста унга фақат ишчилик касбидангина эмас, турмуш сабоқларидан ҳам дарс беришди. Уч ойдаёқ Тўлаган мустақил ишлашга ўтиб, орадан бир йил ўтар-ўтмас номи тажрибали ишчилар қаторида танилиб қолганига қарамай у ҳамон ҳар бир ишда устозларига суяниб қат ўзи билан кўп йилларлан бери бирга ишлаб келаётган Ҳожиакбар ака Ваҳобов, Степан Шульгиннинг табрик сўзларинигина эслаб қолди. «Раҳмат сенга азизим, берган сабоқларимизни оқладинг. Устозларингдан ўтиб кетдинг», — Степан Шульгин унинг қўлларини қаттиқ-қаттиқ силкитиб шундай деяркан юзкўзларидан нур ёғилгандай бўлиб турарди. У ўзининг собиқ шогирди бугун фақат цехдагина эмас, корхона бўйича пешқадамлик қилаётганидан жуда-жуда мамнун эди. Тўлаган ҳам шу тобда ана шу иккала устозининг юзкўзларига зимдан разм солиб чиқди, уларнинг бундан йигирма йил аввалги қиёфасини кўз ўнгига келтирди. Орадан шунча вақт ўтибди-ю, аммо Степан ака билан Ҳожиакбар ака ҳамон ўша меҳрибонлигини, дилкашлигини йўқотишмаганди.

АҲИЛЛИКДАН БОҒ УНАР...

берган сабоғимни энди буларга ўргатадиган пайтинг келди, шундай устозлик қилки, булар ҳам кези келганида яхши пойафзалчи бўлиб қолишсин», деб ўзига шогирдликка берганида билди. Дилбар, Мастура, Суннат ва Раҳмат ҳозир ўз отаонаси Ҳожиакбар ака билан Махсума ая қаторида ишлашяпти.

Ҳозир Тўлаган цехдаги энг обрўли пойафзалчилардан бири бўлиб қолди. Айниқса, унинг кўпчиликка қайишиши, коллектив юмушига елкабардорлиги цех ишчилари уни касаба союз комитети аъзолигига сайлашганидан кейин яққол намоён бўлди. У ҳамкасбларининг кундалик ишидан, оилавий турмушидан, ташвиш ва қувончларидан доимо хабардор бўлиб, бўш вақтини шулардан аямасди. Кишининг одамийлиги дўст бошига ташвиш тушганда билинаркан. Яқинда тикувчи бўлиб ишлайдиган Муҳаммад Аюпов деган ишчининг бошига оғир мусибат тушди. Унинг отаси вафот этиб, Муҳаммаднинг ўзи бетоб бўлиб қолди. Касбдош дўстлари уни ташлаб қўйишгани йўқ. Тўлаган бошчилигида бориб Муҳаммадга ҳамдард бўлишди. Уни даволатиш учун касалхонага ётқизиб, оиласидан хабар олиб туришди. Ҳозир Муҳаммад улардан жуда-жуда миннатдор.

Яна шундай воқеа рўй берди. Фабрикага янги келган бир аёл бир неча кун ишга кечикиб келадиган, смена охирламай туриб уйига ошиқадиган бўлиб қолди. Тўлаган пайтини топиб унинг ёнига келди, нега бундай қистовлик билан ишлаётгани сабабини сўради. Аёл жуда тўлиб турган экан, ичидаги бутун дардини унга тўкиб солди.

— Эрим билан ўзим ишдаман. Уйда болам ёлғиз қолган, боғчага жойлаштиролмаяпман.

Тўлаган унга далда берди-да, эртасигаёқ шу иш билан шуғулланадиган бўлди. Район маориф бўлими раҳбарларига учрашиб, уларни воқеадан хабардор қилди. Боғча мудираси билан суҳбатлашди. Орадан кўп ўтмай ҳамкасби қўлига маориф бўлимидан берилган йўлланмани тутқазди. Аёлнинг шу пайтда қандай қувонганини кўрсангиз эди... Бундай воқеалар коллектив ҳаётида тез-тез рўй бериб туради. Аммо бу юмушларнинг кўпи Тўлаганнинг меҳнатсеварлиги ва ишбилармонлиги сабабли ўз вақтида ижобий ҳал бўляпти. Ҳамкасб эмасмизми, яқинда Тўлаганнинг хонадонида бўлишга тўғри келиб қолди. Оиласидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат кўрган кишининг баҳри-дилини очиб юборади. Тўлаган ўзи яшайдиган маҳалла ишига ҳам фаол иштирок этаркан. Бир киши учун ҳалол меҳнат билан орттирилган обрў-эътибор шунчалик бўлади-да. Дарҳақиқат, аҳиллик, дўстлик ва ғамхўрлик бўлган жойда турмуш ҳам чиройли ва мазмунли бўлади.

...Иш куни тугаб фабрика дарвозасидан ишчилар бирин-кетин чиқиб кела бошлади. Ана, уларнинг орасида ўзаро қизғин суҳбатлашиб уч киши боряпти. Улар Тўлаган Мусаев ва унинг ҳамкасблари Степан ва Ҳожиакбар акалар. Ғарчи смена охирларган бўлса ҳам эртаги кун режалари билан бораётган бу тажрибали ишчилар учун иш куни тугаганича йўқ. Улар ўз ҳамкасблари юмушига камарбаста бўлиб жамоатчилик иши билан боришяпти...

Рустам САИДОВ,
Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг ишчиси.

МУЗЕЙ ОЧИЛДИ

Боёвут райони маркази Дмитрово посёлкасида музей барпо этилди. Унда А. Саркисов номли Жанубий Мирзачўл канали тарихини акс эттирувчи турли ҳужжатлар қўйилган. Экспонатлар ранг-баранг. Музейда Мирзачўлни суғориш тарихи, Боёвут райони территориясида янги ерларни ўзлаштиришга оид қимматли материаллар бор. Музейнинг бошқа хонасида эса район хўжаликларининг бугуни ва эртасини акс эттирувчи материаллар тўпланган. Музейни барпо этишда Жанубий Мирзачўл канали маъмурияти, Боёвут райони меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

ФУТБОЛ

КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Олий лига коллективлари ўртасида навбатдаги тур учрашувлари ниҳоясига етди. Ўйинлар жадвали эса қуйидагича манзара олди:

	Ю	Д	М	Т	О
«Динамо» Тб	14	6	3	33-17	34
«Шахтёр»	13	3	6	30-20	29
«Черноморец»	10	7	5	33-19	27
«Динамо» К	10	7	6	29-18	27
«Торпедо»	10	7	6	25-18	27
«Динамо» М	10	6	6	27-19	26
«Спартак»	10	4	9	31-26	24
ЦСКА	10	4	9	27-31	24
«Зенит»	7	7	8	24-30	21
«Пахтакор»	7	6	10	34-36	20
«Заря»	6	6	10	28-33	18
«Қайрат»	6	6	10	20-29	18
«Нефтчи»	6	6	10	19-25	18
«Локомотив»	4	8	10	18-30	16
«Арарат»	6	3	13	14-30	15
«Днепр»	6	2	14	17-28	14

* * *

Иккинчи лиганинг бешинчи зонасида куч синашаётган Ўзбекистон коллективлари ҳам галдаги учрашувларни ўтказдилар. Ўйинлар жадвалига бир назар ташланг:

	Ю	Т	О
«Автомобилист»	23	62-26	50
«Олга»	21	48-18	49
«Зарафшон»	19	55-32	44
«Янгиер»	16	43-22	39
«Шахриҳончи»	16	40-26	39
«Хоразм»	15	50-35	38
«Бўстон»	16	45-33	37
«Хива»	16	43-29	37
«Химик»	16	53-39	36
«Строитель»	16	37-38	35
«Нефтяник»	15	43-39	35
«Металлург» М	13	44-41	33
«Пахтачи»	13	34-35	32
«Сигнал»	10	29-35	29
«Динамо»	10	36-50	27
«Амударё»	10	26-43	26
«Металлург» Ч	9	32-45	26
«Хўжанд»	11	41-50	25
«Актюбинец»	10	24-47	24
«Орбита»	10	33-45	23
«Текстильщик»	7	20-43	22
«Старт»	7	29-58	17
«Каршистрой»	6	21-59	17

Учрашувлар қуйидагича ўтди: «Орбита» — «Сигнал» — 3:0, «Химик» — «Металлург» (М) — 0:1, «Строитель» — «Актюбинец» — 1:0, «Хоразм» — «Амударё» — 3:0, «Хива» — «Динамо» — 4:1, «Автомобилист» — «Каршистрой» — 3:0, «Металлург» (Ч) — «Зарафшон» — 1:0, «Нефтяник» — «Пахтачи» — 2:0, «Старт» — «Олга» — 1:1, «Текстильщик» — «Бўстон» — 1:0, «Шахриҳончи» — «Янгиер» — 0:0.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Убайдулла Қурбонович Мингбоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ЛЕНИН ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
87-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: ТОКАРЛАР, ФРЕЗЕРЧИЛАР, ДУРАДГОРЛАР, СЛЕСАРЬ-ИНГУВЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИЛАР, ГАЗ-ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, ТЕХНИКА БЎЛИМИ КОНТРОЛЁРЛАРИ, ЭЛЕКТРИКЛАР, КОЛИПЧИЛАР.

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 3 йил бўлган группа ўқувчиларига билим юртини тамомлагандан сўнг ўрта маълумоти тўғрисида ва ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчилар 3 марта иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Четдан келган ўқувчиларга ётоқхона берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар пул мукофоти оладилар.

Қолипчилар группасининг ўқувчиларига ҳар ойда 60 сўмдан стипендия берилади.

АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАРГА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ИМТИЛАНМА БЕРИЛАДИ.

Билим юртида ўқувчиларнинг маданий дам олишлари учун ҳамма кулайликлар мавжуд.

Техника ва спорт тўгараклари мунтазам ишлайди.

«Ёшлик» ўзбек халқ чолғу ансамбли ва вокал-чолғу ансамбли, рақс тўгараги доимо ўқувчилар хизматида.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, мактабдан характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка ва медицина справкаси (286-форма).

Визнинг адрес: Тошкент шаҳри, Текстильная кўчаси, 7-уй (7, 9, 14, 21-трамвайлар. 2, 6, 13, 15, 16-троллейбуслар, 2, 3, 18, 50, 54, 58-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати). Телефонлар: 53-95-23, 53-95-21.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
200-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ
ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига 8—10-синфни тамомлаган, 16 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ИШЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: слесарь-асбобсоз, йиғувчи-слесарь, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, универсал-токарь, фрезерчи, электромонтажчи, радио деталларни йиғиш ва монтаж қилиш (қизлар).

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛДАН 2 ЙИЛГАЧА.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ҳарбий хизматчилар корхона ҳисобидан қўшимча 46 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига киради.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли йўлланма берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси 286-форма, иш жойидан ёки ўқиш жойидан характеристика, олтита фотосурат (3х4 см.).

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СУНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 106-уй (2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «Туғруқхона» бекатлари. Метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

Стандартлаш, маҳсулот сифати ва метрология соҳасидаги раҳбар ва инженер-техник ходимлар малакасини ошириш
ВУТУНИТТИФОҚ ИНСТИТУТИ (ВИСМ)
Тошкент филиалининг метрология кафедрасида ишлаш учун
НИС кичик илмий ходими ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КОНКУРС МУДДАТИ — 1 ОКТЯБРГАЧА.
Ариза ва ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: 109443, ГСП, Москва шаҳри, Волгоград проспекти, 90-уй. Телефон 172-47-30.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Ўзбекистон». Фильм-спектакль. 15.00— Ҳужжатли фильм. 15.30 — «Сиз яратган боғ». 16.00 — «14 дан 18 гача». 16.30 — Фильм-концерт. 16.40 — «Меҳнат коллективи ҳақида очерк». 17.10 — «Адабиёт соҳасида 1978 йилги СССР Давлат мукофотига номзодлар». 17.45 — «Спортчилар класси». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Узоқ Шарқ илмий маркази». Учинчи кўрсатув. 19.10 — Концерт. 19.40 — «1978 йил ҳосили учун». 19.55 — «Ҳамкасблар». Бадиий фильм. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Лев Толстой ҳақида сўз». Ҳужжатли фильм, 4-қисм. 22.55 — Концерт. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — «Чили узра тун». Бадиий фильм. 17.55 — «Энг катта ғалаба». Телеспектакль. 18.40 — «Ўзбекистонда спорт». 19.10 — «Ахборот». 19.25 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — «Анор» ашула ва рақс халқ ансамбли ижро этади. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Л. Н. Толстой ҳаёти ва ижодида музика». 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 — «Пахта далаларидан дараклар». 22.15 — «Жангга тайёрман». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Тим Талер». Телеспектакль, 1-қисм. 20.00 — Ўқув кўрсатуви. 20.35 — «Транспорт ва йўловчи». 20.55 — Янгиликлар. 21.15— Фильм-концерт. 21.40 — Ҳужжатли фильм.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бастакорлар қўшиқлари. 9.30 — Ёшлик қўшиқлари. 11.15 — Коммунистлар ташаббуси асосида (очерк). 11.25 — СССР халқ артисти С. Қобулова қўйлайди. 12.00 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Ем-хашак жамғариш давом этмоқда». 13.30 — Эстрада концерти. 14.00 — «Ватанга мўл ҳосил армугон этамиз». 16.10 — Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. 18.50 — «Ёшлик». 19.30 — «Маданият органлари ва меҳнаткашларни маънавий тарбиялаш». 19.40 — Ўзбек халқ қўйларидан «Эшвой». 19.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 20.25 — Қорақалпоқ қўйлари. 21.00 — Концерт. 21.30 — «Ёзувчилар пахта далаларида». 22.30 — Экран қўйлари. 23.20 — Дам олиш соатида.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орден ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700000 ГСП. Тошкент, Ленин проспекти 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР партия турмуши — 33-34-69, 42-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси— 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42, Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-82; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66; Нашриёт диспетчерв — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-30.

Р. 02670. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 203.